

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

«Тасдиқлайман»  
Иқтисодиёт ва бошқарув  
факултети декани в.б.,  
доцент \_\_\_\_\_ А.У.Астанов  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2013 йил

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ КАФЕДРАСИ**

5340900- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналиши

# Битирув малакавий иши

**Мавзу: “Сотиш операциялари ҳисоби ва уни такомиллаштириш  
йўллари” (Оқдарйё туман фермер хўжаликлари мисолида)**

Бажарувчи:  
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит  
йўналиши IV босқич талабаси  
Илмий раҳбар,

Мамадалиева Суррайё  
Ш. Ахмедов.

Битирув малакавий иш муҳокама  
қилинди ва ҳимояга рухсат  
берилди

Кафедра мудири, и.ф.д  
\_\_\_\_\_ М.Холмурзаев  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2012 йил

**САМАРҚАНД – 2012 йил**

## МУНДАРИЖА.

Кириш.....	3
1.Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳи.....	6
2.Қишлоқ хўжалигида ресурслар салоҳияти ва улардан фойдаланиш имкониятлари.....	14
2.1. Ер-сув ресурслари ва улардан фойдаланиш.....	14
2.2. Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш.....	20
2.3. Моддий ресурслар ва улардан фойдаланиш.....	24
3-боб. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида сотиш операциялари ҳисоби.....	30
3.1.Сотиш операцияларининг иқтисодий моҳияти ва ҳисобнинг вазифалари.....	30
3.2. Маҳсулот сотишнинг дастлабки, синтетик ва аналитик ҳисоби.....	34
3.3 .Иш ва хизматларни сотиш ҳисоби.....	58
3.4. Асосий воситаларни сотиш ҳисоби.....	61
3.5. Бошқа активларни сотиш ҳисоби.....	66
4-боб. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида сотиш операциялари ҳисобини такомиллаштириш йўллари.....	69
5-боб. Қишлоқ хўжалигида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.....	73
Хулоса ва таклифлар.....	76
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	79

## Кириш.

Қишлоқ хўжалигида сотиш каналларини такомиллаштириш, ишлаб чиқарувчига эркинлик бериш ҳамда маҳсулотларни юқори баҳода сотишни таъминлаш қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодиётини мустахкамлайди. Бунда сотиш операциялари ҳисобини тўғри ташкил этиш амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида ҳисобини юритиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Республика Ҳукуматининг 2012 йил 21 январдаги мажлисида "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" номли маърузасида қайд этилган қоида, хулоса ва кўрсатмалар, белгилаб берилган 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари вазирлик, тизимдаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятида дастуриламал сифатида қабул қилиниб, соҳанинг барча тармоқларини модернизация қилиш, замонавий агротехнологияларни жорий этишни таъминлайдиган чора-тадбирлар комплекси амалга оширилиши натижасида қуйидаги кўрсаткичларга эришилди, жумладан:

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди, 2000-2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлар қаторидан жой олди.

Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши 6,3фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди.

2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нибатан қарийб 15,4фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нибатан 4,6 баробар зиёддир.

Ушбу эришилган ютуқларга қарамасдан, туман фермер хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотларни сотиш, улар операцияларини ўз вақтида

ҳисобда акс эттирмаслик муаммолари мавжуд бўлиб фермер хўжалигини ушбу муаммоларни ҳал этиш ва самарадорлигини ошириш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйича сотиш каналлари тўғрисида кенг ва чуқур тасаввурга эга бўлиши лозим. Умумий ҳолда, мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтириш учун маҳаллий хом-ашё ва материаллардан фойдаланиш даражасини ошириш, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватларни консервация қилиш, материаллар сарфи меъёрларини пасайтириш каби асосий йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқариш жараёнининг пировард маҳсули бўлиб тайёр маҳсулотлар ҳисобланади. Тайёр маҳсулотлар - бу мазкур корхонада қайтадан ишлашни талаб қилмайдиган, стандартлар ва техник шартларига тўлиқ жавоб берадиган, техник назорат бўлими ёки махсус комиссия томонидан қабул қилинган ва корхона омборига топширилган ёки буюртмачи томонидан қабул қилинган буюм ва маҳсулотлардир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида асосий эътибор мол юбориш -шартномалари бўйича мол сотишга қаратилади, чунки бу корхона фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини, унинг самарадорлигини аниқловчи иқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Корхонанинг ҳисоб-китоб счётига пул тушган ва тушмаганлигидан қатъи назар барча юкланган ва жўнатилган маҳсулотлар сотиш ҳажмига кутилиши мумкин.

Шундай қилиб, сотиш жараёни корхона хўжалик маблағларининг доиравий айланишини яқунлайди. Бу ўз навбатида корхонага давлат бюджети, ссудалар бўйича банклар, ишчи ва хизматчилар, мол юборувчилар олдидаги мажбуриятларни бажариш, ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш имкониятини беради. Сотиш режасини бажармаслик айланма маблағлар айланишини секинлашига, харидорлар олдида шартнома вазифаларини бажармаганлиги учун жарима тўлашга, тўловларни кечикишига, корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлашишига олиб келади.

Сотиш операциялари ҳисобини тўғри ва ўз вақтида юритиш молиявий натижани аниқлаш ҳар бир сотилган маҳсулот самарадорлигини аниқлаш

имконини беради.

Ушбу муаммолар мавжудлиги, уларни қишлоқ хўжалик корхоналари мисолида ҳал этиш йўллари кўриб чиқиш мақсадида битирув малакавий иши мавзуси танланди. Битирув малакавий ишининг объекти Окдарё тумани фермер хўжаликлари бўлиб, мақсадга эришиш учун уни олдига қуйидаги вазифалар қуйилди:

- Туман фермер хўжалиklarининг ташкилий – иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- Сотиш харажатларининг дастлабки ҳисобини ўрганиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;
- Сотиш харажатларининг синтетик ва аналитик ҳисобини ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш.

Ушбу вазифаларни ҳал этишда илмий-тадқиқот ишларини бажаришда қўлланиладиган кузатиш, гуруҳлаш, таҳлил қилиш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

## **1-БОБ. Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шархи.**

Қишлоқ хўжалик корхоналарида сотиш операциялари ҳисоби ва уни такомиллаштириш иқтисодий адабиётларда, шунингдек, Президент асарлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, меъёрий ҳужжатлари мавжуд бўлиб, уларнинг битирув малакавий ишини бажаришда фойдаланилганларини кўриб чиқамиз.

### **1.Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида. 30 август 1996 йил.**

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда ҳисобот тузиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳужжати билан тартибга солинади. Ушбу Қонун 24 моддадан иборат бўлиб, унда бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари (2-модда), бухгалтерия ҳисоби субъектлари (3-модда), бухгалтерия ҳисоби объектлари (4-модда), бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш (5-модда), бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш (7-модда), бошланғич ҳисоб ҳужжатлари (9-модда), бухгалтерия ҳисоби регистрлари (10-модда), даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш (13-модда), хусусий капитални ҳисобга олиш (14-модда), молиявий ҳисобот (16-модда), молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби (19-модда) кабилар алоҳида моддаларда белгилаб берилган. Қонуннинг 13-моддаси «Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш» деб аталиб, бунда даромадлар ва харажатлар, тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, қайси даври таалуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади, деб ёритилган.

### **2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрирда). Фермер хўжалиги тўғрисида. 26.08.2004.**

Ушбу Қонун 6 бўлим, 36 моддадан иборат. Фермер хўжалигини ташкил этиш ҳамда тугатиш тартиби билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳужжати билан тартибга солинади. Ушбу Қонуннинг мақсади фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва

тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонуннинг 3-моддасида «Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир» деб таъриф берилган. Шунингдек қонунда фермер хўжалигини ташкил этиш шартлари (5-модда), фермер хўжалигини ташкил этиш тартиби (6-модда), фермер хўжалигини давлат руйхатиغا олиш (7-модда), фермер хўжалигининг устави (8-модда), фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари бериш тартиби (11-модда), қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзолари томонидан фермер хўжалигини ташкил этиш хусусиятлари (12-модда), ердан фойдаланиш (13-модда), ер участкасидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ, (14-модда), сувдан фойдаланиш (15-модда), фермер хўжалигининг ҳуқуқлари (16-модда), фермер хўжалигининг мажбуриятлари (17-модда), фермер хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари (20-модда), фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти (22-модда), маҳсулотни фермер хўжалиги томонидан реализация қилиш тартиби (24-модда), фермер хўжалигини кредитлаш ва суғурталаш (26-модда), фермер хўжаликларини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш (29-модда), фермер хўжалигини тугатиш асослари (32-модда) кабилар алоҳида моддаларда белгилаб берилган.

**3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Маҳсулот (ишлар хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. 05.02.1999. -54-сон.**

Мазкур Низом хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахсларнинг, шунингдек, юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона методологик асосларини белгилайди. Низом бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаб чиқишда пайдо бўладиган тафовутлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқарилган. Хўжалик юритувчи

субъектларнинг рақобатбардошлилигини аниқлаш мақсадида улар фаолиятининг харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва молиявий натижаларини аниқлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ҳисобланади. Солиқ солинадиган даромад (фойда) хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг айрим моддаларини солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ солиқ солинадиган базага киритиш йўли билан аниқланади.

Ушбу низомни қабул қилиниши корхоналар даромадлари ва харажатларини аниқ белгиланган гуруҳларга ажратиб ҳисобга олиш ҳамда молиявий натижани шакллантириш тартибини белгилаб берди. Жумладан, харажатларни қайсилари маҳсулот таннархига киритилади, қайсилари давр харажатларига олиб борилади. Бу маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари ушбу низомда молиявий натижаларни беш кўрсаткичи белгиланган бўлиб, уларнинг ҳар бирини таърифи ва аниқлашни ҳисоб - китоби берилиб, бу халқаро андозаларга мос келади.

#### **4. И.А. Каримов. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т. “Ўзбекистон”. 2010.**

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормокда. Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади.

Ушбу асарда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йуналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз - Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузалари ёритилган. Унда мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлиги қайд этилган.

**5. И.А. Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т. «Ўзбекистон» 2009.**

Биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуктаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Ушбу асарда белгиланган вазифалардан бири ҳар бир корхонада маҳсулот таннархини 20фоизгача камайтириш режаси ишлаб чиқилиши ва уни бажарилишини таъминланиши лозимлиги белгилаб берилган. Фермер хўжаликларида ҳам маҳсулот таннархини пасайтириш дастури тузишдан

олдин, албатта маҳсулот таннархи таҳлил қилиниши лозим.

Президентимизнинг ушбу асарларида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб этилишини тақозо этади.

**6. А. Каримов, Ф.Исломов, Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. - Т. “Шарқ” 2004. –Б. 116-130.**

Республикамызда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва унинг кейинги босқичларида устувор йўналишларнинг белгиланиши, айниқса ижтимоий-сиёсий ҳаётни, жумладан иқтисодиётни эркинлаштириш, мулкдорлар синфини ташкил қилишдан келиб чиққан ҳолда бир қанча соҳаларни, жумладан бухгалтерия ҳисоби тизимини ҳам ислоҳ қилишни тақозо этади. Шу жиҳатдан оладиган бўлсак, ушбу дарслик бухгалтерия ҳисобини ислоҳ, қилиш борасида кўйилган бир қадамдир.

Дарслик 4-бўлим, 22-боб ҳамда 3 та иловадан иборат бўлиб, унинг 6-боби ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига бағишланган. Ушбу бобда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг мақсади ва вазифалари, харажатларнинг туркумланиши, ишлаб чиқариш харажатларининг дастлабки ва йиғма ҳисоби, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар, харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни ҳисоблаш усуллари кенг баён қилинган. Дарсликнинг яна бир эътиборни жалб қиладиган томони шундаки, унинг илова қисмида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, «Янги счётлар режаси» ҳамда «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруғи тулиқ ёритилгандир.

**7. Қудратов Т. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Самарқанд. 2008. –Б. 54-67.**

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни янада самарали

ривожлантириш учун уларнинг фаолиятини барча томонларида содир бўлган ва бўлаётган жараёнлар ва уларнинг натижаларини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш натижасида мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш бўйича йўл-йўриқларни кўрсатиш зарур. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда иқтисодий таҳлилнинг роли ниҳоятда каттадир.

Ушбу қўлланма 13-бобдан иборат бўлиб, унинг 8-боби бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархининг таҳлилига бағишланади. Бу бобда таҳлилнинг аҳамияти, мақсади, вазифалари, ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш, ҳисоблаш тартиби аниқ мисоллар билан ёритилган. Бундан ташқари ушбу бобда таннархни харажат моддалари бўйича омилли таҳлил қилиш усуллари ва йўллари батафсил баён қилинган. Хўжалик юритувчи ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонасининг фаолиятини чуқур таҳлил қилиш орқали.

Умуман олганимизда, ушбу ўқув қўлланмада қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятини қамраб олувчи барча кўрсаткичларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва таҳлил асосида тегишли хулоса ва таклифлар бериш тўла ёритилган бўлиб, булардан битирув иши ёзишда кенг фойдаланилди.

## **8. Алиқулов А.И, Эшмурадов У, Қурбонов И, Ибрагимов У. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби. - Самарқанд, 2009. –Б. 151-160.**

Ушбу ўқув қўлланмада фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва унинг хусусиятлари, шунингдек фермер хўжаликларида ҳисоб ва ҳисботни юритишнинг тамойиллари, шакллари, аналитик, синтетик ҳисоби кўрсатиб ўтилган. Қўлланма ўзида 16 мавзу ва уларга тегишли иловаларни қамраб олиб, 11 мавзу фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини аниқлаш хусусиятларига бағишланган. Умуман олганда, ушбу ўқув қўлланмада фермер хўжаликларида ҳисоб юритиш тартиби, ўсимликчилик ва чорвачиликда маҳсулот таннархини аниқлаш, ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттириш ҳамда улар ҳисобини такомиллаштириш бўйича тегишли хулоса ва таклифлар бериш тўла

ёритилган бўлиб, булардан битирув иши ёзишда кенг фойдаланилди.

**9. Аралов Х. Дехқон хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2010. -№ 2. –Б. 27-28.**

Муаллиф аҳоли ва унинг ижтимоий гуруҳларининг ялпи харажатлари - бу турли хўжалик субъектларидан товар ва хизматларни сотиб олиш харажатлари суммаси, молия кредит тизимларига тўловлар, шахсий ёрдамчи хўжалик маҳсулотларидан истеъмол ва ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилганликлари ва кўрилган зарарлар, қарзларни ёпиш, қимматли қозғаларни сотиб олиш учун тўланган тўловларда ифодаланади деб таъриф беради. Ялпи харажатлар, унинг таркиби ва динамикаси - бу иқтисодий ривожланиш даражасини, аҳоли турмуш даражасини ифода етувчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Ялпи харажатларнинг ўрни белгилаб берувчи муҳим кўрсаткичлардан бири - бу унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳиссаси ҳисобланади, деб фикр юритади. Шунингдек, муаллиф таннархни пасайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ходимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблайди.

**10. Султанов Б, Саъдуллаев У. Ерлардан самарали фойдаланиш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2010. -№ 8. –Б. 25.**

Фермер ва дехқон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги ер майдонлари таркиби, ерга бўлган эгалик муносабатлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини эркин бозор учун етиштириш борасида номутаносибликлар, уларнинг ердан фойдаланиш фаолияти билан боғлиқ иқтисодий кўрсаткичларини таққослаш ва аниқ хулосалар чиқариш имкониятини чеклайди. Муаллифлар ердан самарали фойдаланишни ташкил этишда, биринчи навбатда тупроқ унумдорлиги, ҳар бир ҳудуднинг табиий шароити, иқлими, сув таъминоти даражасини ҳисобга олган ҳолда экинларни жойлаштириш асосий ҳал етувчи куч эканлиги, бу еса ўз навбатида фермердан ер майдонларининг сифати тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўлишни талаб қилади, деб баён этишган. Умуман, ер

ресурсларидан самарали фойдаланиш бугунги кунда фермерлардан нисбатан арзон усуллари ва технологиялардан фойдаланган ҳамда мўл ҳосил етиштиришни талаб қилади.

**11. Холмирзаев И. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2010. -№ 2. –Б. 26.**

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлларидаги тармоқ, ривожланиши ҳолати қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари баҳолари ўртасидаги номутаносиблик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда харажатларнинг ортиб бориши, ресурслар самарадорлигининг пастлиги ва бошқалар билан изоҳланади.

Муаллиф қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муқобил йўли - барқарор қишлоқ хўжалик стратегиясидир. Бу стратегия иқтисодий, экологик, ижтимоий ва технологик барқарорликни ўзида мужассамлаштириши зарур, деб таъкидлайди. Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши куйидаги бешта омил бажарилишини талаб қилади: ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фермер хўжаликларини иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини кутариш, табиий ресурслардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, атроф-муҳитнинг тоза бўлиши ва мувозанатни сақлаб туриш. Фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун уларни барқарор ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

## **2-БОБ. Қишлоқ хўжалигида ресурслар салоҳияти ва улардан фойдаланиш имкониятлари.**

### **2.1. Ер-сув ресурслари ва улардан фойдаланиш.**

Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси" тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасида ундан халқ ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида оқилона, самарали фойдаланиш зарурлиги қайд қилинган. Шунга кўра ҳар бир хўжалик субъектлари ерни асрашлари ва улардан самарали фойдаланишлари лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган аграрсиёсат, фермер хўжаликларининг ерга, етиштирилган маҳсулотга эгаллигини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш жараёнида ер ва бошқа ресурслардан янада самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва сифатини ошириш, пировард натижа фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилмоқда. Чунки ер халқ хўжалигининг барча тармоқлари тизимида, шунингдек, қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим рол ўйнайди. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва мамлакат озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон Республикасининг барча ер ресурслари ягона ер фондини ташкил этади. Улар мақсадли фойдаланишига қараб, Ўзбекистон Республикаси ер кодексининг 2-бобида кўрсатилганидек қуйидаги категорияларга бўлинади:

1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;
2. Аҳоли пунктларининг ерлари;
3. Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;

4. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;
5. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар;
6. Ўрмон фонди ерлари;
7. Сув фонди ерлари;
8. Давлат захира ерлари.

Ўзбекистоннинг Ер фонди 44413,3 минг гектарни ташкил қилади. Бу майдоннинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган қисми 25365,6 минг гектардан ошиқроқни ташкил қилади. Шундан, қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган, яъни, суғориладиган майдонлар 4210,9 минг гектар бўлиб, бу умумий ер майдонинг 9,4 фоизини ташкил қилади.

Самарқанд вилоятининг умумий ер фонди 1511,6 минг гектар бўлиб, шундан қишлоқ хўжалик ерлари 1221,7 минг гектарни ташкил қилиб бундан суғориладиган экин ерлари 254,6 минг гектарни ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги хўжаликларга беркитилган ер ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги сифатида ҳам қишлоқ хўжалигига яроқли ер ва унинг алоҳида турлари бўйича фойдаланишнинг самарадорлиги сифатида ҳам характерлайдиган кўрсаткичлар тизими орқали фойдаланиши мумкин. Ер ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичларнинг бир қисми турли хил ер ресурслари майдонлари ҳажмининг миқдорий ўзгаришларини характерлайди ва маълум даражада улардан фойдаланишнинг экстенсив характерини акс эттиради, бошқа қисми ердан фойдаланишнинг интенсив даражасини характерлайди, яъни 1 гектар майдон ҳисобига тўғри келган у ёки бу ишлаб чиқариш самарасини акс эттиради.

Ер ресурсларидан экстенсив фойдаланиш кўрсаткичларга, ер ресурсларини қишлоқ хўжалиги оборотига жалб қилиш даражасини акс эттирувчи, ер ресурсларидан, қишлоқ хўжалигига яроқли ердан ва ҳайдаладиган ердан фойдаланиш коэффициентларини ўз ичига олади.

Ер ресурсларидан фойдаланиш коэффиценти (ЕРФК) қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни хўжаликка беркитилган жами ер майдонига нисбати билан ифодаланади:

$$\text{ЕРФК} = \frac{\text{К/ХЯЕ}}{\text{ЖЕМ}}$$

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан фойдаланиш коэффиценти (К/ХЯЕФК) .Ҳайдаладиган ерларни қишлоқ хўжалигига яроқли ерларга нисбати билан ифодаланади:

$$\text{К/ХЯЕФК} = \frac{\text{ХЕ}}{\text{К/ХЯЕ}}$$

Ҳайдаладиган ерлардан фойдаланиш коэффиценти (ХЕФК) жами экин майдонларини ҳайдаладиган ерларга нисбати билан ифодаланади:

$$\text{ХЕФК} = \frac{\text{ЖЭМ}}{\text{ХЕ}}$$

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан интенсив фойдаланиш самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари ер қайтими ва ер сиғимидир. Ер қайтими 1 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерга тўғри келган соф маҳсулотни ифодаласа, ер сиғими, 1 сўмлик соф маҳсулот қанча гектар ердан олинганлигини ифодалайди:

$$\text{ЕК} = \frac{\text{СМ}}{\text{К/ХЯЕ}}; \quad \text{ЕС} = \frac{\text{К/ХЯЕ}}{\text{СМ}}$$

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан интенсив фойдаланиш самарадорлигининг қўшимча кўрсаткичлари ана шу ерлардан олинган натура ва қиймат шаклидаги ялпи ва товар маҳсулотлари ҳисобланади. Ер қайтими ва ер сиғимининг натурал кўрсаткичлари алоҳида олинган хўжаликларда ёки бир хил табиий ва иқтисодий шароитларда жойлашган ва бир хил ихтисослашган хўжаликларда алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 18 октябрдаги Ф-3512-сон фармойишига мувофиқ фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш натижасида бугунги кунга келиб, мамлакатимизда жами 66 минг 134 та фермер хўжалиги фаолият юритаётган бўлиб, уларга 5 млн 295,1 минг гектар ер майдони ижарага берилган ва бир фермер хўжалигига ўрта ҳисобда 80,1 гектар ер майдони тўғри келмоқда.

Оқдарё туман фермер хўжаликлари ер ресурсларининг ҳозирги ҳолатини ўрганганимизда қуйидагича бўлган (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Оқдарё туманида 2011 йилда жами 469 фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, бу 2010 йилга нисбатан 34 тага камдир. Бу Президентимизнинг 2010 йил 18 октябрдаги Ф-3512-сон фармойишига мувофиқ фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш натижасида бўлган. Уларга жами 22430 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, 2011 йилда ўртача бир фермер хўжалигига 47,8 гектар ер майдони тўғри келган. Шундан пахтачилик-ғаллачилик йўналишида 209 та, бу жами фермерларнинг 44,6 фоизи, сабзавотчилик-полизчилик йўналишидаги фермер хўжаликлар сони 9 та, бу жами фермер хўжаликларнинг 1,9 фоизи, боғдорчилик-узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликлар 169 та, бу жами фермер хўжаликларнинг 36 фоизи, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлар 61 та, бу жами фермер хўжаликларнинг 13 фоизи ва бошқа йўналишдаги фермер хўжаликлар 21 та, бу жами фермер хўжаликларнинг 4,5 фоизини ташкил этади. Туман фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонининг 85,4 фоизи бевосита пахтачилик-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликларида бўлиб, бундан кўриниб турибдики туман пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган туманлардан биридир.

**Оқдарё тумани фермер хўжалиklarининг ер фонди билан  
таъминланиш даражаси таҳлили\***

№	Йўналиш	2010 йил			2011 йил			2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши, (+,-)		
		Жами фермер хўжалиklar сони	Жами қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган майдон, га	Ўртача бир фермер хўжалиklar майдони, га	Жами фермер хўжалиklar сони	Жами қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган майдон, га	Ўртача бир фермер хўжалиklar майдони, га	Жами фермер хўжалиklar сони	Жами қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган майдон, га	Ўртача бир фермер хўжалиklar майдони, га
1	Пахтачилик-ғаллчилик	243	19164	78,9	209	19164	91,7	-34	0	12,8
2	Сабзавотчилик-полизичилик	9	66	7,3	9	66	7,3	0	0	0
3	Боғдорчилик-узумчилик	221	1692	7,7	169	1692	10	-52	0	2,3
4	Чорвачилик	72	1116,2	15,5	61	1116,2	18,3	-11	0	2,8
5	Бошқалар	32	392	12,2	21	392	18,6	-11	0	6,4
	Жами;	577	22430	38,9	469	22430	47,8	-108	0	9

Манба\*Самарқанд вилоят Оқдарё туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими

2010-2011 йиллар маълумотлар.

Тадқиқотимиз объекти бўлган Оқдарё тумани фермер хўжаликлариди экинларнинг динамикасини ўрганганимизда қуйидагича бўлган (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Оқдарё тумани қишлоқ хўжалик корхоналарида экинлар динамикаси\***

Экин-ларнинг турлари	2010 йил			20 11 йил			2011 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)		
	Экин майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялли хоси, т	Экин майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялли хоси, т	Экин майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялли хоси, т
Ғалла	8940	63,6	56860	9010	62,7	56510	70	-0,9	-350
Пахта	8700	22,5	19610	8700	22,6	19690	0	од	80
Сабзавот	2082	240	49969	1573	336,3	52896	-509	96,3	2927
Картошка	80	328,9	2631	122	197,5	2409	42	-131,4	-222
Полиз	10	215	215	12	115	139	2	-100	-76
Мева	729	99	7214	729	187,1	13636	0	88,1	6422
Узум	148	103,1	1527	148	58,6	867	0	-44,5	-660

Манба\*Самарқанд вилоят Оқдарё туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими 2010-2011 йиллар маълумотлари.

2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан фермер хўжаликлариди ғалла етиштиришдан 350 тонна, картошкадан 222 тонна, полиз экинларидан 76 тонна, узум етиштиришдан 660 тонна кам ҳосил олинган, бу камайиш аввало бир гектардан олинган ҳосилнинг камайиши ва экин майдонларининг қисқариши ҳисобига бўлган. Лекин 2011 йилда 2010 йилга нисбатан пахтадан 80 тонна, сабзавот экинларидан 2927 тонна, мева етиштиришдан эса 6422 кўп ҳосил олинган. Бу ушбу экин турларида ҳосилдорликнинг ошиши ҳисобига бўлган.

## 2.2. Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат Кодекси»нинг 1-боб 8-моддасида меҳнатнинг улуғворлиги тўғрисида шундай дейилган: «Ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек меҳнат низоларини қурувчи органлар томонидан амалга оширилади».

Меҳнат - бу инсоннинг мақсадли фаолияти бўлиб, бу жараёнда у табиат предметларини ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун мослаштиради ва ўзгартиради. Ўз кучини қўшгани ҳолда инсон, меҳнат қуролларидан фойдаланиб, табиат берган материалларни, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган моддий неъматларга, бойликларга айлантиради. Меҳнат жараёни, инсоннинг иш жойида, унинг меҳнат фаолиятининг маълум натижаларига эришишга йўналтирилган ҳаракатларининг тўпламини билдиради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнат ресурсларининг миқдорига, таркибига, малакасига ва улардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ.

Меҳнат кишилиқ жамиятининг ривожланиш учун объектив зарурият ҳисобланади. Аммо, иш кучи, ўз-ўзидан бойлик ярата олмайди, у фақат ишлаб чиқариш асосий ва айланувдаги воситалар билан боғланган ҳолдагина жамият учун ҳар хил исътемом қийматига эга бўлган буюмларни ишлаб чиқариш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнат ресурсларининг миқдорига, таркибига, малакасига ва улардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларига меҳнатга яроқли эркеклар -16 дан 60 ёшгача, аёллар -16 дан 54 ёшгача, шунингдек қишлоқ жойда яшовчи ўсмирлар ва нафақахўрлар киради.

**Қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнат ресурслари таркибига:**

1.Доимий;

2.Мавсумий;

3.Вақтинчалик ишчилар, шунингдек, штатда турувчи;

4.Ўсмирлар;

5.Нафақахўрлар кирадилар.

Шу жумладан:

1.Доимий ишчиларга - муддатсиз ишга қабул қилинганлар;

2.Мавсумий ишчилар - 6 ойгача муддатга қабул қилинганлар;

3.Вақтинчалик ишчиларга - 2 ойгача муддатга қабул қилинганлар киритилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг иш кучи билан таъминланиши, меҳнат билан таъминланиш коэффиценти ва меҳнат билан таъминланиш салмоғи кўрсаткичлари билан характерланиши мумкин. Меҳнат билан таъминланиш коэффиценти (МБТК) мавжуд меҳнат ресурслари миқдорини (ходим, киши/соат) унга бўлган меъёри талабга (ММР) бўлиб топилади:

$$\text{МБТК} = \frac{\text{ММРМ к/с}}{\text{ММР}}$$

Бунда,

МММ - мавжуд МР миқдори ( к/с)

МР - меъерий меҳнат ресурслари

Меҳнат билан таъминланишнинг салмоғи кўрсаткичлари қўйидагилар:

а)1 - ходимга тўғри келган йиллик ишлаб чиқариш юкламасининг ҳажми (к/с)

$$\frac{\text{ИЮ}=\text{йиллик}}{\text{ХС}} \quad \frac{\text{ишлаб}}{\text{ходимлар сони}} \quad \frac{\text{чиқариш}}{\text{юкламаси}}$$

б) 100 га қишлоқ хўжалик яроқли ерга тўғри келган ходимлар сони:

$$\frac{\text{ХС}}{\text{ҚХЯС}} = \frac{\text{ходимлар сони}}{\text{қишлоқ, хўжалиги яроқли ер}} \times 100$$

в) 1 ходимга тўғри келган қишлоқ хўжалигига яроқли ер, ҳайдаладиган ер ва қишлоқ хўжалик экинлари майдони:

$$\frac{\text{ҚХЯЕ} : \text{ХЕЭМ}}{\text{ХС}} = \frac{\text{қишлоқ хўжалиги яроқли ер экин майдони}}{\text{ходимлар сони}}$$

Қишлоқ хўжалигида иш кучининг миқдори ва ҳаракатини ҳисоблаш учун қуйидаги кўрсаткичлар системаси қўлланилади - ўртача рўйхатдаги ва ўртача йиллик ходимлар сони, иш кучининг айланиши ва қунимсизлиги коэффиценти. Йилдаги ўртача рўйхатдан ўтган ходимлар сони ёки уларнинг умумий сонини, 1 йилдаги иш кунлар (285) сонига бўлиб топилади.

Иш кучини қабул қилишнинг айланиш коэффиценти қуйидагича топилади:

$$\text{ИКҚҚАК} = \frac{\text{йил давомида қабул қилинганлар сони}}{\text{ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига}}$$

Ишдан кетганларнинг айланиш коэффиценти қуйидагича топилади:

$$\text{Иш кетганлар айл.коэф.} = \frac{\text{ишдан кетган ходимлар сони}}{\text{ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига}}$$

Иш кучининг қунимсизлик коэффиценти қуйидагича топилади:

$$\text{ИКҚун К} = \frac{\text{ўз хошишига кўра ва меҳнат интизомини бузганлиги учун ишдан бўшатишган ходимлар сони}}{\text{ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига}}$$

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туман фермер хўжаликларида 2011 йилда 17897 киши меҳнат қилган ва фермер хўжаликларининг оптималлаштирилиши улар сонининг 1417 киши ёки 7,3 фоизга камайишига сабаб бўлган. Бу туман фермер хўжаликларида меҳнатнинг интенсивлашиши ортиб бораётганлигини билдиради. Туман фермер хўжаликларида доимий ишловчилар 14913 киши бўлиб, ёлланма ишчилар 2984 киши бўлган ва ўрганилган даврда бу кўрсаткичлар мос равишда 7,7 % ва 5,75га камайган. Оқдарё тумани аҳолиси таркибида фермер хўжаликлари аъзоларининг улуши 2010 йилда 14,5%ни ташкил

этган ва бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 2,1 пунктга камайган. Ходимлар таркибида бошқарув ходимлари сони 577 кишини ташкил этиб, жами ходимларга нисбатан 3,2%ни ташкил этади.

### 3-жадвал

#### Оқдарё тумани фермер хўжалиklarининг меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси\*

Т/р	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариш	
					Миқдор, +/-,	Нисбий, %
1.	Аҳоли сони,	116,3	119,2	123,8	7,5	106,4
	ш.ж.: хотин-қизлар, минг киши	59,4	60,6	63,0 I	3,6	106,1
2-	Ходимлар сони, киши	19314	18461	17897	-1417	92,7
	ш.ж.: хотин-қизлар, киши	7822	7661	7356	-466	94,0
3.	Доимий ишловчилар, киши	16150	15374	14913	-1237	92,3
4.	Ёлланма ишчилар, киши	3164	3087	2984	-180	94,3
5.	Бошқарув ходимлари, киши	1141	744	577	-564	50,6
6.	Аҳоли таркибида фермер хўжалиги аъзолари улуши, %	16,6	15,5	14,5	2,1 пунктга камайган	
7.	Ходимлар таркибида бошқарувчилар улуши, %	5,9	4,0	3,2	2,7 пунктга камайган	

Манба\*Оқдарё тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими 2009-2010-2011 йиллар ҳисобот маълумотлари.

### **2.3.Моддий ресурслар ва улардан фойдаланиш.**

Модернизациялаш шароитида фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги уларнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланганлиги даражасига боғлиқ. Асосий воситалар билан етарли даражада таъминланмаслик маҳсулот миқдори ва меҳнат унумдорлигининг секин ўсишига ҳамда маҳсулот таннархининг ошишига, такрор ишлаб чиқариш манбаларининг камайишига олиб келади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини асосий ишлаб чиқариш воситалар билан таъминланганлигининг абсолют кўрсаткичи сифатида фондлар билан таъминланиш коэффициентидан фойдаланиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида моддий ресурсларнинг ўсиб бориши, унинг таркиби, тузилишининг яхшилаб бориш ҳамда улардан самарали, оқилона фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши имконини беради. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги уларнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланганлиги даражасига боғлиқ. Асосий воситалар билан етарли даражада таъминланмаслик маҳсулот миқдори ва меҳнат унумдорлигининг секин ўсишига ҳамда маҳсулот таннархининг ошишига, такрор ишлаб чиқариш манбаларининг камайишига олиб келади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини асосий ишлаб чиқариш воситалар билан таъминланганлигининг абсолют кўрсаткичи сифатида фондлар билан таъминланиш коэффициентидан фойдаланиш мумкин.

Фермер хўжаликларида моддий ресурсларнинг ўсиб бориши, унинг таркиби, тузилишининг яхшилаб бориш ҳамда улардан самарали, оқилона фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши имконини беради.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш кўламининг ўсиши кўп жиҳатдан асосий ишлаб чиқариш воситалари (фондлари) билан таъминланиш даражасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ушбу бўлимда хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш тартиби баён қилинади.

Хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш кўрсаткичлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

**1. Фондлар билан таъминланиш коэффиценти (КФТ)** - бу кўрсаткич асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қийматини (АИФ) қишлоқ хўжалик ерлари майдони (М) ҳажмига бўлиш орқали аниқланади:

$$КФТ = \frac{АИФ}{М}$$

Ушбу кўрсаткич 1 ёки 100 гектар ҳисобига тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш воситалари ҳажмини ифодалайди.

**2. Энергетик ресурслар билан таъминланиш коэффиценти (ЭТ)** - хўжаликдаги мавжуд энергетик ресурслар қувватларининг (от кучи ҳисобидаги) (ЭК) жамини қишлоқ хўжалик ерлари майдонига нисбатан аниқланадиган кўрсаткич. Ушбу кўрсаткич 1 гектар ҳисобига тўғри келадиган энергетик ресурслар қувватини ифодалайди:

$$ЭТ = \frac{ЭК}{М}$$

**3. Меҳнатнинг фондлар билан қуролланиш коэффиценти (МФК)** - асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қийматини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сонига (Т) бўлиш орқали аниқланадиган кўрсаткич. Бу кўрсаткич 1 ходим ҳисобига тўғри келадиган асосий фондлар ҳажмини ифодалайди:

$$МФК = \frac{АИФ}{Т}$$

**4. Меҳнатнинг энергетик ресурслар билан қуролланиш коэффиценти** – энергетик ресурслар қувватларининг жамини (от кучи ҳисобида) ишловчи ходимларнинг ўртача йиллик сонига бўлиб, аниқланадиган кўрсаткич.

$$\text{МЭК} = \frac{\text{ЭК}}{\text{Т}}$$

Хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва энергетик ресурслар билан таъминланиш ҳамда меҳнатнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва энергетик ресурслари билан қуролланиш кўрсаткичлари ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омиллар бўлиб ҳисобланади.

Хўжаликнинг асосий фондлар билан таъминланиш кўрсаткичларининг ўзгаришини таҳлил қилиш учун ҳисобот йилидаги барча кўрсаткичларининг ҳар бирини баъзис йилидаги уларнинг кўрсаткичлари билан солиштирилиб, ўзгариши (ошган ёки камайганлиги) аниқланади ва унинг сабаблари топилади. Уларнинг таҳлилини бир кўрсаткич мисолида, яъни хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш коэффициентининг таҳлили мисолида кўриб чиқамиз:

$$\text{КФТ} = \frac{\text{АИФ}}{\text{М}}$$

бунда, КФТ - хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш даражаси (коэффициенти);

АИФ - асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик ҳажми (қиймати);

М - қишлоқ хўжалик ерлари майдони (кўпинча таққослама кадастр майдон олинади).

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, хўжаликнинг фондлар билан таъминланиш даражасининг ўзгариши икки омил ҳисобига содир бўлади:

1. Қишлоқ хўжалик ерлари майдони ҳажмининг ўзгариши;
2. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик ҳажмининг ўзгариши.

Асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш даражаси ошган сайин ишлаб чиқариш ривожланиб, унинг ҳажми ошиб боради. Шунинг учун асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги даражасини ўрганиш асосида мавжуд имкониятларини аниқлаш катта аҳамиятга эгадир. Ушбу бўлимда асосий воситалардан (фондлардан)

фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари ва таҳлил қилиш йўллари ёритилди.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги куйидаги 3 та кўрсаткич билан ифодаланади:

**1.Фонд қайтими ФҚ** - бу ялпи маҳсулот ҳажмини (ЯМ) асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қийматига (АИФ) нисбати тариқасида аниқланади:

$$\text{ФҚ} = \frac{\text{ЯМ}}{\text{АИФ}}$$

Бу кўрсаткич 1 сўмлик асосий фондлар ҳажми ҳисобига етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажмини (суммаси) билдиради. Ушбу кўрсаткич таҳлил этилаётган даврда ошган бўлса, асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигининг ошганлигини билдиради.

**2. Фонд сиғими (ФС)** - фонд қайтимини аксини ифодаловчи кўрсаткичдир:

$$\text{ФС} = \frac{\text{АИФ}}{\text{ЯМ}}$$

Бу кўрсаткич 1 сўмлик ялпи маҳсулот ҳажмига тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш фондлари суммасини билдиради. Ушбу кўрсаткич пасайган бўлса, бу фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошганлигини кўрсатади.

**3. Фонд рентабеллиги (ФР)** - соф фойдани (СФ) асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик ҳажмига (АИФ) бўлиш орқали аниқланадиган кўрсаткич:

$$\text{ФР} = \frac{\text{СФ}}{\text{АИФ}}$$

Бу кўрсаткич 1 сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига олинган соф фойда суммасини билдиради.

Ишлаб чиқариш асосий фондларидан фойдаланишнинг самарадорлиги омиллари куйидагилар:

- 1.Ходимларнинг моддий манфаатдорлиги;
- 2.Асосий воситалар билан таъминланиш;

3. Асосий воситалар структураси;

4. Асосий ва моддий айланма воситалари ўртасидаги нисбат;

5. Меҳнатни ташкил қилиш технология;

6. Илғор технологиядан фойдаланиш.

Юқорида кўрсатилиб ўтилган кўрсаткичлардан фойдаланилган ҳолда Оқдарё туман фермер хўжаликларининг фонд билан таъминланиши ва меҳнатнинг фондлар билан қуролланишининг ўзгариши таҳлили 4-жадвалда кўрсатиб ўтилган.

Оқдарё тумани фермер хўжаликларида асосий фондлар қийматининг ўзгаришини 4-жадвалда кўришимиз мумкин.

4-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Оқдарё тумани фермер хўжаликлари 2011 йилда 11244,2 млн. сумлик асосий фондларга эга бўлиб, 2010 йилга нисбатан 1427,7 млн. сумга ёки 14,5%га ошган. Фермер хўжаликларидаги бу ўсишга машина ва ускуналардаги 41,8% ёки 1097,5 млн. сум ҳамда транспорт воситаларидаги 43,1% ёки 393,9 млн. сумлик ўсиш таъсир этган.

Бундан кўришиб турибдики, туман фермер хўжаликларида асосий фондлар қиймати йилдан-йилга ошиб бормоқда.

**Оқдарё тумани фермер хўжаликларида асосий фондлар қийматининг  
ўзгариши\***

Т/р	Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2011 йилда- 2010 йилга	
		Қиймати, млн сум	Салмоғи, %	Қиймати, млн сум	Салмоғи, %	Миқдорий, +/-	Нисбий, %
1.	Бино	3571,5	36,38	3601,9	323	30,4	100,8
2.	Иншоат	624,8	6,36	723,2	6,43	98,4	115,7
3.	Узатиш	169,8	1,73	189,4	1,68	19,6	111,6
4.	Машина ва	2624,6	26,74	3722,1	33,1	1097,5	141,8
5.	Мебел ва офис жиҳозлари	26,7	0,27	32,2	6,29	5,5	120,3
6.	Компьютер ва ҳисоблаш техникаси	5,4	0,06	9,7	0,09	4,3	179,8
7.	Транспорт	913,3	9,3	1307,2	11,63	393,9	143,1
8.	Маҳсулдор	18,2	0,19	21,5	0,19	3,3	118,4
9.	Кўп йиллик ўсимликлар	1604,8	16,35	1604,8	14,27	0	100
10.	Бошқа асосий воситалар	257,5	2,62	32,2	0,29	-225,3	12,5
	<b>Жами</b>	<b>9816,5</b>	<b>100</b>	<b>11244,2</b>	<b>100</b>	<b>1427,7</b>	<b>114,5</b>

Манба\*Оқдарё тумани фермер хўжаликлари 2010-2011 йиллар ҳисобот маълумотлари.

### **3-БОБ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида сотиш операциялари ҳисоби.**

#### **3.1.Сотиш операцияларининг иқтисодий моҳияти ва ҳисобнинг вазифалари.**

Ишлаб чиқариш жараёнининг пировард маҳсули бўлиб тайёр маҳсулотлар ҳисобланади. Тайёр маҳсулотлар - бу мазкур корхонада қайтадан ишлашни талаб қилмайдиган, стандартлар ва техник шартларига тўлиқ жавоб берадиган, техник назорат бўлими (ТНБ) ёки махсус комиссия томонидан қабул қилинган ва корхона омборига топширилган ёки буюртмачи томонидан қабул қилинган буюм ва маҳсулотлардир.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар бозор талабини ўрганган ҳолда тузилган шартномаларга ассортимент, сон ва сифат режа топшириқларига биноан доимо ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш уларнинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини оширишга эътибор бериб маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

Бозор муносабатлари шароитида асосий эътибор мол юбориш - шартномалари бўйича мол сотишга қаратилади, чунки бу корхона фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини, унинг самарадорлигини аниқловчи иқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Корхонанинг ҳисоб - китоб счётига пул тушган ва тушмаганлигидан қатъи назар барча юкланган ва жўнатилган маҳсулотлар сотиш ҳажмига кўшилиши мумкин.

Шундай қилиб, сотиш жараёни корхона хўжалик маблағларининг доиравий айланишини яқунлайди. Бу ўз навбатида корхонага давлат бюджети, ссудалар бўйича банклар, ишчи ва хизматчилар, мол юборувчилар олдидаги мажбуриятларни бажариш, ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш имкониятини беради. Сотиш режасини бажармаслик айланма маблағлар айланишини секинлашига, харидорлар олдида шартнома вазифаларини бажармаганлиги учун жарима тўлашга, тўловларни кечикишига, корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлашишига олиб келади.

Корхона сотиш ҳажми билан бир қаторда фойда суммасини ҳам режалаштиради. Чунки, маҳсулотнинг сотиш (шартнома) нархи белгиланганда унинг таркибига маълум суммада ёки фоизда фойда (даромад) суммаси ҳам киритилади. Агар шартнома (режа) бўйича сотишга тегишли маҳсулотлар миқдорини шартнома баҳосига кўпайтирса режа бўйича уларни сотиш қиймати келиб чиқади, фойда фоизига қараб эса режа фойда суммаси ҳисоблаб чиқилади. Бу бюджетга фойдадан бўнак ажратмасини тўлаш учун база бўлиб ҳисобланади.

Корхона айланма маблағининг таркибий қисми ҳисобланган тайёр маҳсулотлар энг кам баҳода баҳоланиши керак. Таннархида ёки соф сотиш қийматида.

Тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисобот даври тугагандан сўнг аниқлаш мумкин. Лекин маҳсулотларнинг ҳаракати ҳар куни содир бўлади, унинг учун жорий ҳисобда маҳсулотни шартли баҳода баҳолаш керак. Тайёр маҳсулотлар ҳаракатининг кундалик ҳисоби ишлаб чиқариш режа таннархида ёки корхонанинг шартнома баҳоларида ёки ҳисоб баҳоси деб номланадиган чакана жўнатиш баҳоларида юритилади.

Чунончи, маҳсулот бирлигининг режа таннархи корхонада ишлаб чиқилади. У ой охирида тайёр маҳсулотларнинг гуруҳлари бўйича фарқ суммасини ёки фоизини ҳисоблаш йўли билан ҳақиқий таннархга етказиб қўйилади. Фарқ суммаси ва фоизи маҳсулотнинг ой бошига қолдиғи ҳамда унинг ой давомидаги киримига қараб ҳисоблаб чиқилади. Фарқи тежалганлигини ёки корхона томонидан ортиқча харажатга йўл қўйилганлигини кўрсатади ва шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнидаги унинг иш натижаларини таърифлайди.

Тайёр маҳсулотлар қайси счётларда ҳисобга олинган бўлса, фарқлар ҳам шу счётларда тежалган бўлса қизил сиёҳда сторно (қайта ёзув) қилиб, ортиқча харажат бўлса - оддий сиёҳда акс эттирилади. Фарқ фоизи ва жўнатилган маҳсулотнинг режа таннархи сотилган ҳамда омбордаги ой охирига қолган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш имконини беради.

Ҳисобда тайёр маҳсулотларга бошқа баҳолар қўлланилса ҳам фарқ суммаси ва фоизи шу тартибда ҳисобланади.

Тайёр маҳсулотлар ҳаракати ҳисобини тўғри ташкил этишда уларнинг номенклатураларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Маҳсулотлар номенклатураси - ушбу корхона томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар турлари номларининг рўйхатидир. Маҳсулотлар номенклатурасини тузишда бир буюмни иккинчисидан ажратиб олиш имкониятини берадиган тайёр маҳсулотларни маълум белгиларига қараб қилинган тасниф асос бўлади. Номенклатура рақами турли миқдордаги рақамлар билан белгиланиши мумкин. Корхона номенклатураларидан қўйидаги хизматларда:

- диспечерлар - маҳсулот ишлаб чиқариш графигининг бажарилишини назорат қилиш учун;
- цехлар - ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини назорат қилиш учун ва тайёр маҳсулотларни омборга топширишда накладнойлар ёзиш учун;
- маркетинг бўлими - маҳсулот жўнатиш шартномасининг бажариш имконияти устидан назорат қилиш учун;
- бухгалтерия - аналитик ҳисоб, сводкалар ва ҳисоботлар тузиш учун фойдаланиши мумкин.

Шунинг учун корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тизимида тайёр маҳсулотлар уларни юклаш ва сотиш ҳисоби алоҳида ўрин тутиб, унинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг захиралари ҳолати ҳамда омборда сақланиши, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар устидан узлуксиз назорат қилиш;

- юкланган ва жўнатилган маҳсулот (иш, хизмат) ларни ўз вақтида ва тўғри ҳужжатлаштириш, харидорлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни аниқ ташкил этиш;

- сотилган маҳсулотларнинг ҳажми ва ассортименти бўйича мол жўнатиш шартнома режасининг бажарилиши устидан назорат қилиш;

- сотилган маҳсулот учун олинадиган маблағлар суммасини, маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган ҳақиқий харажатларни, фойда суммасини ўз вақтида ва аниқ ҳисоблаб чиқиш.

Бу вазифаларнинг бажарилиши корхонанинг бир тексда ишлаши, сотиш ҳамда омбор хўжалигини тўғри ташкил қилиш, хўжалик операцияларини ўз вақтида ва тўғри ҳужжатлаштиришга боғлиқ.

### **3.2. Маҳсулот сотишнинг дастлабки, синтетик ва аналитик ҳисоби.**

Маҳсулот сотиш билан боғлиқ, бўлган хўжалик операцияларининг мажмуи сотиш жараёни дейилади. Маҳсулот сотиш жараёнини режалаштириш корхонани буюртма билан таъминлашдан бошланади. Унга биноан ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш асоси бўлган номенклатура бўйича режа тузилади. Буюртмаларда маҳсулотларнинг ассортименти, юклаб жўнатиш муддати, миқдори ва сифати, нархи, ҳисоблашиш шакллари кўрсатилган бўлиб буюртмачи ва мол юборувчилар билан келишиб олинади. Дастлабки ҳисоб - бу бухгалтерия ҳисобининг хусусиятларидан бири, ҳужжатлар асосида иш юритилиши билан бевосита боғлиқ. Дастлабки ҳисоб кўйидаги уч элементдан иборат:

- Дастлабки бухгалтерия ҳужжатлари;
- Моддий жавобгар шахснинг кирим-чиқим дафтари;
- Моддий жавобгар шахснинг ҳисоботи.

Фермер хўжаликларида фойдаланиладиган бухгалтерия ҳужжатларини кўйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

- Меҳнат сарфини ҳисобга олувчи ҳужжатлар;
- Меҳнат предметлари сарфини ҳисобга олувчи ҳужжатлар;
- Меҳнат воситалари сарфини ҳисобга олувчи ҳужжатлар;
- Маҳсулот чиқишини ҳисобга олувчи ҳужжатлар.

Меҳнат сарфини ҳисобга олиш ҳужжатларида ғаллачиликда муайян ишларни бажариш учун сарфланган меҳнат ва ҳисобланган тўлов акс эттирилади. Механизациялаштирилган ишларда тракторчи машинистнинг ҳисоб варақалари (61-а ва 67-б шакллар), механизациялаштирилмаган ишларда меҳнат ҳисоби ва бажарилган ишлар варақалари (66- ва 66-а шакллари) қўлланади. Шунингдек, ишбай ишларда ишланган вақтни ҳисобга олиш учун - иш вақтини ҳисобга олиш табели (64-шакл) қўлланади. Меҳнат предметлари сарфи ҳисобга олинadиган ҳужжатларда ғаллачиликда сарфланган турли моддий қийматлар: уруғ, ўғит, захарли химикатлар,

гербицидлар, эҳтиёт қисмлар ва ҳоказоларни қайд этади. Экишга сарфланган уруғ ва экиш материаллари уруғ ва экиш материалларини сарфлаш далолатномаси (119-шакл), ўғит, захарли химикат ва гербицидлар сарфи - маъданли, органик ва бактериал ўғитлар захарли химикатлар ва гербицидларни ишлатиш тўғрисида далолатнома (118-шакл), майда инвентар ва буюмлар - ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентари ва буюмларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси (126-шакл) билан расмийлаштирилади ва ҳоказо. Дастлабки ҳужжатлар кўрсаткичлари ой охирида моддий қийматлар ҳаракати ҳақидаги ҳисоботларда (121-шакл) умумлаштирилади, шундан сўнг бўлинмаларнинг ишлаб чиқариш ҳисоботларига моддий қийматлар сарфи ҳақида тегишли ёзувлар киритилади.

Меҳнат воситалари сарфини ҳисобга олиш ҳужжатлари ғаллачиликда фойдаланилган меҳнат воситалари бўйича ҳаражатлар, хусусан ҳисобланган амортизация ажратмалари акс этирилади. Бунга амортизацияни ҳисоблаш ва тақсимлаш бўйича турли ҳисоб-китоблар, йил бошидаги ҳолатига кўра асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалар ҳисоб-китоби (52-шакл) келиб тушган ва чиқиб кетган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари ҳисоб-китоби (60-шакл), бир ойлик амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ведомости (62-шакл), деҳқончилик тармоғидаги асосий воситалари бўйича ҳисобланган амортизацияси тақсимлаш ведомости (63-шакл).

Бу гуруҳ билан асосий воситаларни жорий таъмирлаш бўйича ҳужжатлар узвий боғланган. Буларга машиналарни таъмирлаш учун нуқсонлар (дефектлар) ведомости (130-шакл), жорий таъмирлаш ҳаражатларини тақсимлаш ведомости таалуклидир.

Маҳсулотлар чиқишини ҳисобга олиш бўйича ҳужжатлар: дон, техник экинлар, сабзавот, мева, озуқа каби деҳқончилик тармоғи маҳсулотларини кирим қилиш қайд этилади. Буларга: дон экинлари бўйича - дон ва бошқа маҳсулотларни даладан жўнатиш ведомости (77-шакл), маҳсулотни даладан олиб чиқиш йўлланмаси (77-а-шакл), донни талонли ҳисобга олиш усулида талонлар (77-б, 77-в, 77-г-шакл), дон ва бошқа маҳсулотларни қабул қилиш

реестри (78-шакл), донни тарозибон томонидан қабул қилиш реестри (78-а-шакл), дон ва бошқа маҳсулотлар ҳаракати ведомости (80-шакл) киради. Ҳар бир гуруҳ ҳужжатларидаги маълумотлар уларга ишлов берилганда маълум белгиларига кўра ҳужжатларнинг ҳаракатланиши ва ишлатилиш тавсифига кўра бир тизимга солинади. Меҳнат сарфлари ҳисобга олинган ҳужжатларнинг маълумотлари иш ҳақи ҳисоблаш ва тўлаш учун ҳар бир ходим ҳамда ходимлар тоифаси бўйича иш ҳақи фондидан фойдаланишни назорат қилиш мақсадида умумлаштирилади. Меҳнат предметларини ҳисобга олинган ҳужжатларнинг маълумотлари моддий жавобгар шахслар ҳамда моддий қийматларнинг келиб тушиши ва сарфланиши йўналишлари бўйича бир тизимга солинади. Меҳнат воситаларининг, сарфланиши ҳисобга олинган ҳужжатларнинг маълумотлари бир турдаги асосий воситалар гуруҳлари ва турлари ҳамда асосий воситалардан фойдаланиш йўналишлари бўйича бир - тизимга солинади. Маҳсулотлар чиқиши ҳисобга олинган ҳужжатлар маълумотлари маҳсулот турлари, моддий жавобгар шахслар, маҳсулотнинг келиб тушиш ва сарфланиш йўналишлари бўйича бир тизимга солинади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш захираларининг ҳаракати бўйича турли хил бухгалтерия ҳужжатлари расмийлаштирилади. Буларни қўйидаги тартибда кўриб чиқамиз:

А) Ўсимликчилик маҳсулотлари кирими ва чиқими бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар:

- «Дон за бошқа маҳсулотларни даладан жўнатиш реестри» - донли экинлар маҳсулотларини даромадга олишга расмийлаштирилади.

- «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини келиш кундалиги» - сабзавот, мева, полиз маҳсулотларини даромадга олишда расмийлаштирилади.

- «Пахта терими тўғрисида кунлик маълумот» - пахта хом-ашёсини даромадга олишда расмийлаштирилади.

- «Дағал ва ширали озуқаларни даромадга олиш далолатномаси» - озуқаларни даромадга олишда расмийлаштирилади.

- «Ўсимликчилик маҳсулотларини саралаш ва киритиш далолатномаси» -

донли экинлар маҳсулотларини саралашда расмийлаштирилади.

- «Дон ва бошқа маҳсулотлар ҳаракати қайдномаси» - донли экинлар маҳсулотларини йиғиштириб олиш мавсумий даврида расмийлаштирилади.

-«Товар - транспорт накладной» - ўсимликчилик маҳсулотларини тайёрлов ташкилотига жўнатиш (сотиш) да расмийлаштирилади.

- «счёт-фактура», «Юк хати» - ўсимликчилик маҳсулотлари бошқа ташкилотларга ёки фермер хўжаликлари ходимларига сотишда расмийлаштирилади.

- « Ем-хашак сарфлаш қайдномаси » - чорва молларини озуклантириш учун ем-хашак сарфлаш вақтида расмийлаштирилади.

- «Уруғлик ва экиш материалларини сарфлаш далолатномаси» -уруғлик ва кўчат материалларини сарфлашда расмийлаштирилади.

Б) Чорвачилик маҳсулотлари кирими ва чиқими бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар:

- «Соғилган сутни ҳисобга олиш журнали» - соғилган сутни ҳисобга олишда расмийлаштирилади.

- «Сут ҳаракати қайдномаси» - сутнинг ҳаракатини ҳисобга олишда расмийлаштирилади.

- «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини келиш кундалиги» - асални ва тухумни: даромадга олишда расмийлаштирилади.

- «Жунни қирқиш ва даромадга олиш далолатномаси» - кўйлардан қирқиб олинган жунни ҳисобга олишда расмийлаштирилади.

-«Товар-тарнспорт накладной» - чорвачилик маҳсулотларини тайёрлов ташкилотларига жўнатиш (сотиш) да расмийлаштирилади.

- «Юк хати» - чорвачилик маҳсулотларини ички хўжалик эҳтиёжи учун фойдаланишда расмийлаштирилади.

В) Ишлаб чиқариш захираларини кирими ва чиқими бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар:

- «Счёт-фактура» - ушбу ҳужжатга асосан таъминот ташкилотларидан сотиб олинган турли хил товар-моддий захиралари киримга олинади.

- «Материалларни қабул қилиш тўғрисида накладной» -хўжаликни ўзида

ишлаб чиқилган ёки тайёрланган ҳамда асосий воситалар тугатишдан олинган турли хил материаллар даромадга олинади.

- «Лимит - забор картаси», «Талабнома», «Юк хати» - ишлаб чиқариш захираларини сарфланиши ҳисобга олинади.

- «Минерал, органик ва бакредитериологик уғитлар, захарли химикатлар ва гербицидларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси» - минерал ва бошқа уғитлар, захарли химикатлар ва гербицидлар сарфланиши ҳисобга олинади, Юқорида кўриб чиқилган бухгалтерия ҳужжатларидан ташқари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш захираларининг ҳаракати бўйича бошқа тегишли ҳужжатлар ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

Масалан: маҳсулотларни сотишда ёки ишлаб чиқариш захираларини сотиб олишда дастлаб «Шартнома» тузилади. Ишлаб чиқариш захираларини хўжалик вакили «Ишонч қоғози» орқали тегишли ҳужжатлар асосида мол етказиб берувчи ташкилотдан олиб келади.

Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасидан омборхонага ўтказиш жараёнида қўйидаги дастлабки ҳужжатлар қабул қилиш - топшириш накладнойлари, далолатномалар, режалар, карталарига мувофиқ ҳисобга олинади.

Тайёр маҳсулотларни юклаб жўнатиш ўз ичига иккита ҳужжатни – омборга буйруқ ва жўнатиш учун накладнойни қамраб оладиган буйруқ - накладной билан расмийлаштирилади. Омборга буйруқни харидорлар билан тузилган шартнома шартларига асосан мол олувчининг номи, унинг коди, маҳсулотнинг миқдори ва ассортименти ҳамда жўнатиш муддати кўрсатилганлигини тегишли хизмат бўлими ёзиб беради.

Бу ҳужжат тегишли хизмат бошлиғи, омборчи ва экспедитор томонидан имзоланади. Буйруқ - накладной икки нусхада тузилиб, биринчиси товар-транспорт накладнойига биноан жўнатилган ўрин миқдорини, юкнинг оғирлигини ва мол олувчининг бекатигача маҳсулотни етказиб бериш бўйича тўланган темир йўл таърифи суммасини кўрсатиш учун экспедиторга берилади. Иккинчи нусхаси молнинг жўнатганлиги тўғрисида асос бўлиб омборчида қолади.

Унга биноан омбор ҳисоби карточкасининг «чиқим» графасига жўнатилган маҳсулотнинг миқдорини ёзиб қуяди ва ҳужжат бухгалтерияга топширилади. Экспедитор маҳсулотни транспорт ташкилотига топшириб ундан юкни қабул қилиб олганлиги тўғрисида қвитанция олади. Маҳсулот жўнатилгандан кейинги куни экспедитор буйруқ - накладнойини ва транспорт ташкилотининг қвитанциясини мол олувчининг номига тўлов талабнома топшириқ ёки бошқа ҳужжат ёзиш учун бухгалтерияга топшириши шарт. Шу билан бир вақтда счёт - фактура ҳам ёзилади.

Тўлов талабномасида жўнатилган товарнинг ассортименти, миқдори, сотиш (шартнома) баҳоси ва қиймати кўрсатилади, бундай ҳолда счёт фактура тўлов талабномасига албатта илова қилиниши керак.

Тўлов талабномаси мол олувчининг ҳисоб - китоб счётидан счёт - фактурага асосан юклаб юборилган маҳсулот қийматини ўтказиб бериши тўғрисида мол юборувчининг банкка берган буйруғи бўлиб ҳисобланади. Счёт - фактура ёки тўлов талабномасининг алоҳида қаторида мол олувчилар томонидан тўланадиган идиш ва ўрама қиймати ҳамда темир йўл таърифи кўрсатилади. Айрим ҳолларда мол юборувчининг тўлайдиган темир йўл таърифи тўланмалар суммасига қўшилиши мумкин, ҚС суммаси алоҳида қаторда кўрсатилади.

Мол юборувчи билан мол олувчи ўртасида тузиладиган шартномада мол юборувчи маҳсулотни қайси жой (франко - жой) гача етказиб бериш харажатларини ўз ҳисобига олиши тўғрисида келишиб олинади.

Франко - жойни қўйидаги турлари мавжуд:

-мол юборувчининг франко - омбори - бунда мол юборувчи корхона маҳсулот юбориш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар (омбордаги, темир йўл бекатидаги, юклаш - тушириш ишлар қиймати, ташиш қиймати ва темир йўл таърифи) тўлов - талабномасига қўшилади;

- франко - юклаб жўнатиш бекати - бунда мол юборувчи тўлов - талабномага темир йўл таърифини ва маҳсулотни вагонга юклаш харажатлари суммасини қўшади;

- франко - вагон тайинланиш бекати - бунда мол юборувчи тўлов -

талабномага фақат темир йўл (ёки бошқа транспорт) таърифи суммасини қўшади;

- франко - тайинланиш бекати - бунда темир йўл таърифи қўшилган ҳолда маҳсулот жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни мол юборувчи тўлайди;

- франко - мол олувчининг омбори - бунда юқорида кўрсатилган харажатлар билан бир қаторда мол юборувчи мол олувчининг бекатидаги ва унинг омборидаги тушириш - юклаш ишлари, унинг омборига олиб бориш ва бошқа ишлар қийматини тўлайди.

Ўзбекистонда тўловнинг кенг тарқалган тури бўлиб франко - вагон тайинланиш бекати ҳисобланади.

Маҳсулотларни бир меъёردа ишлаб чиқариш харидорларга маҳсулот жўнатиш шартнома мажбуриятларини, маҳсулотни ўз вақтида сотиш, барча ҳисоб - китоб ва тўловларни бажарилишини таъминлайди. Шунинг учун ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳисоби корхона бухгалтериясининг узлуксиз назорати остида туради. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳужжатлари ҳар куни бухгалтерияга тушади ва бу ерда уларнинг турлари бўйича миқдор натура ҳисоби юритилади. Ой тугагандан сўнг ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жами режа, сотиш нархи бўйича ва ҳақиқий таннархи бўйича баҳоланади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳақиқий таннархи билан режа таннархини таққослаб тежалганми ёки ортиқча харажат қилинганми, шунга қараб корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнидаги иш натижасига баҳо берилади. Шу ернинг ўзида маҳсулотлар жўнатиш (сотиш, шартнома) нархида ҳам баҳоланади, бу эса маҳсулотлар сотилгандан сўнг олиниши мумкин бўлган тушум ва фойдани аниқлаш имконини беради.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи 10/1 журнал - ордерининг 2810 -«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётини дебети ва 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счётини кредити бўйича акс эттирилади. 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти актив инвентар счёти бўлиб, унинг салдоси корхонанинг омбордаги маҳсулотлар қолдигининг ҳақиқий

таннархини кўрсатади дебет обороти - асосий ишлаб чиқаришдан қабул қилинган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини, шунингдек мол олувчилар томонидан қайтарилган маҳсулотлар қийматини, кредит обороти ҳисобот ойида юклаб жўнатилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини кўрсатади.

Тайёр маҳсулотлар ҳаракатини пул кўрсаткичдаги ҳисоби 16-«Тайёр буюмлар ҳаракатининг пулдаги ифодаси» қайдномасида юритилади.

16- «Тайёр буюмлар ҳаракатининг пулдаги ифодаси» қайдномасининг I бўлиmidан 2810 счётнинг тулиқ маълумотлари таърифини икки баҳода - ҳақиқий ва ҳисоб баҳода олинади. Бу ой охирига бўлган тайёр маҳсулотларнинг умумий ҳажмидаги ҳақиқий харажатлар салмоғини (ой бошига қолдиқ плюс маҳсулотнинг киримини уларнинг ҳисоб баҳосига нисбати) топиш учун зарур. Агар шу фоиз 100 га тенг бўлса, демак, ҳақиқий харажатлар режага тенг эканлиги; агар фоизи 100 дан кам бўлса, корхона маҳсулот таннархининг пасайганлигини, натижада ушбу маҳсулотни сотишдан у режадан ортиқ фойда олганлигини; агар шу фоиз 100 дан ортиқ бўлса, корхона калкуляция моддалари бўйича меъёрга нисбатан ортиқча харажатларга йўл қуйганлигини ва бу ўз навбатида, фойдани камайтирганлигини кўрсатади.

Шу жами маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини уларнинг ҳисоб (режа) таннархига бўлган фоиз нисбати бухгалтерия томонидан ҳисобот ойида юклаб жўнатилган, харидорлар томонидан қайтарилган ва ой охирига қолган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш учун фойдаланилади.

Ой охирига қолган маҳсулотлар ҳақиқий таннархини аниқлашнинг зарурияти шундаки, уни Бош дафтар билан таққослаш мумкин, омборлардаги қолдиқларни ҳисобга олиш дафтари билан эса ҳисоб баҳосидаги қолдиқ таққосланади.

Тайёр маҳсулотларнинг омбордаги ҳисоби оператив - бухгалтерия усулида юритилади яъни маҳсулотларнинг ҳар бир номенклатура рақамига материалларнинг омбор карточка ҳисоби (17-М шакли) очилади. Тайёр маҳсулотларни кирими ва чиқимига қараб омборчи хужжатларга асосан

карточкаларга қийматликлар миқдорини (кирим, чиқим) ёзиб қуяди ҳамда ҳар бир ёзувдан кейин қолдиғи чиқарилади.

Ўтган сутка ичида омборда йиғилиб қолган ҳужжатлар (қабул қилиш - топшириш накладнойлари, буйруқ - накладнойлар, товар - транспорт накладнойлари) ни бухгалтер ҳар куни қабул қилиб боради. Омбор ҳисобининг тўғри юритилиши бухгалтернинг омбор ҳисоби карточкасига қўйилган имзоси билан тасдиқланади.

Моддий - жавобгар шахс омбор ҳисоби карточкаларига асосан ҳар ойда тайёр маҳсулотлар номенклатуралари, ўлчов бирлиги, миқдорини кўрсатиб тайёр маҳсулотлар қолдиғини ҳисобга олиш қайдномасини тўлдиради ва уни бухгалтерияга топширади. Бухгалтерияда ҳисоб баҳоси бўйича таксировка қилинади ва бухгалтерия маълумотлари (16 - қайдноманинг II - бўлими) билан солиштирилади.

Юклаб жўнатилган маҳсулотлар (бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат) лар - маҳсулот ҳамда хизматлар учун тўлов ҳужжатлари, мол юборувчилар томонидан банкка топширилган, лекин харидорлар томонидан тўланмаган суммани англатади. Ой охирида юклаб жўнатилган, лекин тўлов ҳужжатлари банкка топширилмаган маҳсулотлар балансда омбордаги тайёр маҳсулотлар билан бирга акс эттирилади ва корхонанинг айланма маблағлари таркибида кўрсатилади.

Тайёр маҳсулотлар ҳаракатининг синтетик ҳисоби 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётида юритилиб, у мавжуд тайёр маҳсулотлар ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган. Бу счётнинг дебитида омборга тушган маҳсулотлар, кредитида эса омбордан жўнатилган маҳсулотлар акс эттирилади.

Агар маҳсулотлар ҳаракатининг жорий ҳисоби режа таннархида юритилса, 2810- счётнинг дебитида иккита кўрсаткич режа таннархи ва режа таннархидан фарқ суммаси ҳисобга олинади. Агар жорий ҳисобда корхонанинг улгуржи баҳолари қўлланилса, 2810 счётнинг дебитида қуйидаги кўрсаткичлар бўлади ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматининг корхона улгуржи баҳоси ва улгуржи баҳо қиймати билан ҳақиқий таннархи

орасидаги фарқи.

Маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотиш ҳисоби 9010 - «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар», 9020 -«Товарларни сотишдан даромадлар» ва 9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счётларида юритилади. Ушбу счётлар транзит бўлиб, пассив счётларга мансубдир. Бу счётлар тайёр маҳсулотлар товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни сотиш жараёни тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган. Бу счётларнинг кредит қолдиқлари молиявий натижани аниқлаш мақсадида ҳар ойнинг охирида 9910 -«Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилиб борилади.

2009 йилнинг 1 январидан бошлаб маҳсулотлар юклаб жўнатган, хизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилган сана ҳисоблаш усулига кўра сотилган вақт ҳисобланади.

Ҳисоблаш усулида мол олувчиларга маҳсулот юклаб жўнатиладанда, сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархига кўйидагича бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дт 9110. -«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» счёти, Кт 2810. - «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти.

Юклаб жўнатиладан маҳсулотнинг шартнома (сотиш) қийматига, Дт 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинандиган счётлар» счёти, Кт 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» счёти каби ёзув амалга оширилади.

Юклаб жўнатиладан маҳсулотлар ҳаракатининг ҳисоби 16- қайдноманинг II-бўлимида юритилади. Бу қайдноманинг иккинчи бўлимида жўнатиладан, сотилган маҳсулотлар, моддий қийматликлар, хизматлар ва харидорлар билан ҳисоблашишларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби ўз ифодасини топган. Жўнатиладан ва сотилган маҳсулотлар аналитик ҳисоби уларнинг натурал кўринишдаги турлари бўйича ёки тўлов ҳужжатлари бўйича икки баҳода - ҳақиқий таннархда ва сотиш нархида ташкил этилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ой бошига ва ой охирига тўланмай қолган, ҳисобот ойида жўнатиладан, харидорлар томонидан қайтарилган ва сотилган

маҳсулотларнинг умумий миқдори ҳам ҳисобга олинади. Қайдноманинг II-бўлимини тўлдириш учун олдинги ойнинг қайдномаси (тўланмаган маҳсулотнинг ой бошига қолдиғи), тўлов ҳужжатлари, ҳисобот ойида жўнатилган маҳсулотларга буйруқ накладнойлари, шунингдек, корхонанинг ҳисоб - китоб счётидан олинган банкнинг кўчирмалари асос бўлиб ҳисобланади. Мол олувчи ҳисобидан чек билан тўланган темир йўл таърифи қайдномада алоҳида кўрсатилади, чунки у маҳсулот сотиш ҳажмига киритилмайди.

Қайдноманинг II-бўлимида кўйидаги маълумотлар ўз ифодасини топади: ой давомида омондордан юклаб жўнатилган маҳсулотларнинг ассортименти ва қиймати: бўйича миқдори; транспорт харажатлари суммаси; ҚҚС суммаси; счёт - тўлов ҳужжатлари бўйича олишга тегишли сумма; харидорлар билан ҳисоб - китоблар ҳолати; маҳсулот учун ҳисобот ойида тушган суммалар тўғрисидаги маълумотлар ва транспорт харажатларини қопланиши ва бошқа маълумотлар. Қайдноманинг кўрсаткичлари катта оператив аҳамиятга эга, чунки ҳар куни юклаб жўнатилган, сотилган маҳсулотлар ҳажми тўғрисида маълумотлар қайд этилган бўлади. Бундан ташқари, шартнома мажбуриятларини бажарилиши ҳам назорат қилинади.

16-қайдноманинг III-бўлимида тўланган, ҳисобдан чиқарилган, тўланмаган ва ҳисобдан чиқарилмаган суммалар тўғрисидаги йиғма маълумотлар акс эттирилади.

III. Окдарё туман фермер хўжаликларида тўланган, ҳисобдан чиқарилган, тўланмаган ва ҳисобдан чиқарилмаган суммалар бўйича йиғма маълумотлар (5-жадвал).

## 5-жадвал

**А. Корреспондентланувчи счётлар бўйича тўланиши ва ҳисобдан  
чиқарилиши млн, сум.**

Дебет-ланувчи счёт	Кредитланувчи ва дебетланувчи счётлар	Жами	
		жорий ой учун	ўтган ой учун
5110-	2810-счётнинг кредитидан (маҳсулот сотиш бўйича оборот шаклида акс эттирилмаган сумма) кўйидаги счётларнинг дебетига: «Ҳисоб-китоб счёти»	9600	
4010-	901 0-счётнинг кредитидан кўйидаги счётларнинг дебетига: «Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар»	726272	
	<b>Жами:</b>	<b>735872</b>	<b>-</b>

## 6-жадвал

**Б. Ҳисоб гуруҳлари бўйича тўланмаган ва ҳисобдан чиқарилмаганлар  
млн, сум**

Ҳисоб гуруҳлари	Тайёр маҳсулот учун	Транспорт харажатлари
Тўланмади:		
Жорий ой учун қайднома бўйича	110600	1380
Олдинги ой учун қайднома бўйича		
Шу жумладан:		
Маҳсулот харидорнинг масъулиятли сақлашида қолганлиги учун ҳисобдан чиқарилмади :		
Жорий ой учун қайднома бўйича		
Олдинги ой учун қайднома бўйича		
<b>Жорий ой учун 5 - жадвал бўйича жами</b>	<b>847852</b>	

Қайдноманинг III-бўлими тақдим этилган счётлар бўйича умумий суммасини кўрсатиб ой охирида тўлдирилади ва у уч қисмдан иборатдир:

А-тўланиши ва ҳисобдан чиқарилиши; Б - маҳсулот қайтарилганлиги учун ҳисобдан чиқарилиши; В - тўланмаган, ҳисобдан чиқарилмаган. Бу бўлим 2810 ва 9010 счётларнинг кредит оборотларини II-журнал-ордерида тўлик акс этирилганлиги ва 2810 счёт бўйича кейинги ойга қолган қолдиқни тўғри ҳисоблаб чиқилганини назорати учун хизмат қилади.

Маҳсулот учун пул харидорлардан ҳисоб - китоб счётига келиб тушган санада сотилди деб ҳисобланади (касса усули) ёки юклаб жўнатилган, топширилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар, хизматлар учун ҳужжатлар банкка топширилган санада сотилди деб ҳисобланади (ҳисоблаш усули). Иккала усулда ҳам сотилган маҳсулот (иш, хизматлар) 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар», 9030 «Ишлар бажарилган ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счётларида ҳисобга олинади. Сотилган товарларни қайтарилиши ва харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар 9040 «Сотилган товарларнинг қайтиши» ва 9050 «Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» - счётларида ҳисобга олинади. Бу счётларнинг хусусиятлари шундан иборатки, уларнинг дебети ва кредитида бир ҳажмда (миқдорда) ги сотилган маҳсулот (иш, хизмат) лар бир хил суммада акс этирилади.

9010, 9020 ва 9030 счётларнинг кредитида 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти билан корреспондентлашган ҳолда маҳсулот (иш ва хизмат) лар сотишдан тушадиган соф тушум акс этирилади. Бу счётларда харидорларга жўнатилган маҳсулот (иш ва хизмат) лар бўйича ҳисобланган аксиз солиғи ва ҚҚС суммалари акс этирилмайди, балки қўйидагн проводка билан 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счётида акс этирилади:

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» жўнатилган маҳсулотлар учун, аксиз солиғи ва ҚҚС суммаси қўшилган ҳолда, харидорлардан олинadиган жами суммага.

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» ҳисобланган аксиз солиғи ва ҚҚС суммасига.

К-т 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» маҳсулот сотишдан тушадиган соф тушумга.

9010, 9020 ва 9030 счётларнинг кредитида акс эттирилган сумма ой охирида 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти билан корреспондентланган ҳолда ёпилади.

Ҳисоблаш усулида, яъни маҳсулотни топшириш (юклар жўнатиш), иш ва хизматларни бажариш ҳақиқатда сотилди деб ҳисобланганда 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар» счёти қўлланилади. Бу счёт актив бўлиб, унинг сальдоси буюртмачига топширилган маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг тўланмаган сотиш қийматини кўрсатади; дебет обороти ҳисобот ойида топширилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг сотиш қийматини, кредит обороти эса ҳисобот ойида харидорлар томонидан тўланган суммани кўрсатади. Қўйида маҳсулот (иш ва хизматлар)ни сотиш операцияларини счётларда акс эттириш 1-чизмада келтирилади.

Юклар жўнатилган ва сотилган маҳсулотларнинг турлари бўйича синтетик ҳисоби 11 – журнал - ордерида юритилади. Бу журнал - ордер 2810, 9410, 9010, 9020, 9030, 9210, 9220, 4010 - счётларнинг кредит оборотларини ва 9010; 9020, 9030-счётларининг аналитик маълумотларини ёзиш учун тайинланган. 11-журнал-ордер 15- ва 16-қайдномаларнинг аналитик маълумотларига асосан тўлдирилади. Қўйида 11 - журнал - ордерининг шакли келтирилади.

**«Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи  
счётлар» корреспонденцияси (9000)**

Д-т

К-т

**Корреспондентланувчи счётлар**

Счётларнинг кредити		Счётларнинг дебити	
4010, 4110-	Кредитга сотилган товарларнинг қайтарилиши (дебет 9040).	Юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар учун тўланадиган сумма;	-4010,4110
4010, 4110-	Сотилишидан ва нархидан берилган чегирмалар (дебет 9050).	Маҳсулот, иш ва хизматлар нақд пулга сотилганда;	-5010,5020
9910-	Ой охирида сотишдан олинган соф тушумнинг ҳисобдан чиқарилиши.	Қисқа ва узоқ муддатли инвестиция тарзида бошқа ташкилотларга ўтказиб берилган маҳсулотлар суммасига;	-5810,0610
		Ўз капитал қурилиши учун кўрсатилган хизматлар суммасига;	-0810,0890
		Ички хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар суммасига;	-2320,2510, 9410 9450
		Меҳнат ҳақи юзасидан ходимларга берилган маҳсулот ва хизматлар суммасига;	-6710
		Маҳсулот билан тўланган дивидендлар суммасига;	-6610
		Ҳисобот даври охирида 9040 ва 9050 -	-9900
		счётларининг ёпилиши.	

## 11 - журнал-ордер шакли млн, сум ҳисобида

Счётлар кредити Счётлар дебити	2810	9410	9010	9020	6410	Жами
2810 «Юкланган товарлар»	432800					432800
4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»		2832	440108			442940
5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»			9600	565300	160972	735872
<b>Жами:</b>	<b>432800</b>	<b>2832</b>	<b>449708</b>	<b>565300</b>	<b>160972</b>	<b>161612</b>

Юклар жўнатилган маҳсулотлар ҳажмидаги йил бошидан жамланувчи оборотлари ҳақиқий таннархни тақдим этилган счётлар суммасига бўлган фоиз нисбатини ҳисоблаш учун фойдаланилади. Бу нисбат 100фоиздан кам бўлиши керак, чунки у корхонанинг маҳсулот сотишдан тушган тушумидаги ҳақиқий харажатлар улушини кўрсатади. Қолган қисми фойда улушини кўрсатади.

Демак, сотишдан тушган тушумнинг қарийб 18 фоизини фойда ташкил этади. Ушбу кўрсаткич нафақат режа бажарилишини таҳлил қилишда, балки ой охирига қолган юклар жўнатилган маҳсулотлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблашда катта аҳамиятга эга. Бунинг учун барча счётлар бўйича ой охирига тўланмаган сотиш қийматидаги суммани фоиз нисбатига кўпайтирилади.

11-журнал-ордернинг аналитик маълумотлари бўйича фойда суммасига бухгалтерияни 15-журнал-ордерга ёзиш учун қўйидаги корреспондентланувчи счётларни кўрсатиб маълумотнома тузади:

Д-т 19010. 9020, 9030- счётлар

К-т 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти.

Харидорга маҳсулот юклаб жўнатишдан олдин улардан маҳсулот қийматининг энг камида 15фоиз бўнак тўловлари тариқасида қабул қилиниши лозим. Олинган бўнақларнинг синтетик ҳисоби 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счётида юритилади. Бу счёт моддий қийматликларни етказиб бериш учун ёки бажарилган ишлар учун олинган аванслар бўйича, шунингдек буюртмачилар учун бажарилган қисман тайёр бўлган маҳсулот ва ишларни тўлаш бўйича олиб бориладиган ҳисоб - китоблар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун тайинланган. Олинган бўнақлар суммаси, шунингдек қисман тайёр бўлган ишлар ва хизматлар учун олинган тўланмалар, пул маблағларини ҳисобга оладиган счётлар ; (5010, 5110, 5210) нинг дебети ва 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счётининг кредитида акс эттирилади. Тўла тайёр буюмлар, материаллар ва бажарилган ишлар учун мол олувчи (буюртмачи)ларга счётлар тақдим этилганда, ушлаб қолинадиган олинган бўнақ суммалари ва қисман тайёр бўлган маҳсулот ва ишлар бўйича олинган тўланмалар 6310-счётнинг дебетида ва 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счётининг кредитида акс эттирилади. 6310 - счёт бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича юритилади.

Маҳсулотларни сотиш бир қанча харажатларни келтириб чиқаради ва маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ, бўлган харажатлардан фарқли ўлароқ маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар сотиш харажатлари дейилади. Сотиш харажатлари таркибига қуйидагилар киради:

- мол юборувчи корхона ҳисобидан прејскурантларга ёки шартнома шартига биноан қилинган идиш ва жойлаш (қадоқлаш ва ўраш), (ўраш қоғозлари. тахтачалар, каноплар) харажатлари;
- улгуржи баҳо франке - юклаб жўнатиш бекати усулида (юклаш, етказиб бериш. тушириш) белгиланган ҳолларда мол юборувчи ҳисобидан маҳсулот сотиш бўйича қилинадиган транспорт харажатлари;
- корхонанинг молиявий режасида назарда тутилган маҳсулот сотиш бўйича бошқа харажатлар.

Агар қадоклаш цехларда маҳсулотларни омборга топширишга қадар бажарилган бўлса, идишлар қиймати маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархига киритилади. Низомга биноан бу харажатлар 9410 «Сотиш харажатлари» счётида ҳисобга олинади. Бу счёт транзит бўлиб актив счётларга мансуб, ой бошига унда қолдиқ бўлмайди; дебет айланмаси маҳсулотни жўнатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни кўрсатади, кредит айланмаси эса ҳисобот ойда фойдани камайтиришга ўтказилган суммаларни кўрсатади. 9410- счёти бўйича очилган счётларнинг аналитик ҳисоби дебет ва кредит оборотлари бўйича ҳисобот оyi ва йил бошидан жамланиб келувчи харажат суммаларини моддалари бўйича кўрсатган ҳолда 15-қайдномада юритилади. Бу ўз навбатида, маҳсулот сотиш харажатларини таҳлил қилиш ва ҳисобот тузишни осонлаштиради.

Бу счётларнинг дебет оборот суммалари 1, 2, 7, ГО/1- журнал - ордерларда акс эттирилади, кредит оборот суммалари эса – II - журнал - ордерда. Ноишлаб чиқариш харажатлар ҳар ойда тўлиқ суммада қуйидаги ёзув билан молиявий натижаларга ўтказилади:

Дт 9910- «Якуний молиявий натижа» счёти

Кт 9410- «Сотиш харажатлари» счёти.



Оқдарё тумани фермер хўжаликларида маҳсулотларини сотишдан олинган даромадлар таркибини кўрганимизда 7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Оқдарё туман фермер хўжаликларида кейинги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган даромад ҳажми ошиб борган. Жумладан, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан ўсимликчилик маҳсулотларини етиштиришдан 10365 млн. сум ёки 34,6 фоиз кўп даромад олинган бўлса, худди шунингдек чорвачилик тармоғидан ҳам 2219 млн. сум ёки 97,7 фоиз кўп даромад олишга эришилган. Бу туман бўйича олиб қаралганда, 12584 млн. сум ёки 39,1 фоиз кўп даромад олинганлигини кўрсатади.

**Оқдарё тумани фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик  
маҳсулотларини сотишдан олган даромад таркибининг ўзгариши\***

№	Қишлоқ хўжалик маҳсулот лари	2009 йил		2010 йил		2011 йил		2011 йил 2009 йилга нисбатан ўзгариши	
		Млн. сўм	%	Млн. сўм	%	Млн.сўм	%	+;-	%
1	Ғалла	13145	43.9	12395	36.8	14128	35.1	983	107.5
2	Пахта	8828	29.5	10197	30.3	12485	31.0	3657	141.4
3	Сабзавот	5249	17.5	7495	22.2	8463	21.0	3214	161.2
4	Картошка	623	2.1	868	2.6	843	2.1	220	135.3
5	Полиз	30	0.1	35	0.1	24	0.1	-6	80.0
6	Мева	1290	4.3	1876	5.6	3545	8.8	2255	274.8
7	Узум	545	1.8	481	1.4	303	0.8	-242	55.6
8	Ўсимликчиликдаги бошоқлар	229	0.8	355	1.1	513	1.3	284	224.0
<b>Ўсимликчилик даги бошоқлар</b>		<b>29939</b>	<b>100</b>	<b>33702</b>	<b>100</b>	<b>40304</b>	<b>100</b>	<b>10365</b>	<b>134.6</b>
9	Пилла	326	14.3	307	10.9	426	9.5	100	130.7
10	Гўшт	509	22.4	702	24.9	1044	23.2	535	205.1
11	Сут	1098	48.3	1444	51.2	2012	44.8	914	183.2
12	Тухум	128	5.6	157	5.6	795	17.7	667	621.1
13	Чорвачиликдаги бошқалар	211	9.3	211	7.5	214	4.8	3	101.4
<b>Чорвачилик даги бошқалар</b>		<b>2272</b>	<b>100</b>	<b>2821</b>	<b>100</b>	<b>4491</b>	<b>100</b>	<b>2219</b>	<b>197.7</b>
<b>Туман ҳаммаси:</b>		<b>32211</b>	<b>X</b>	<b>36523</b>	<b>X</b>	<b>44795</b>	<b>X</b>	<b>12584</b>	<b>139.1</b>

Манба\*Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси 2009-2010-2011 йиллар ҳисобот маълумотлари.

**Оқдарё туман фермер хўжаликларида тайёр маҳсулотларни сотишнинг  
бухгалтерия счётларида акс эттирилиши (2-чизма).**



Ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот даромадга олинган суммага.

Сотилган маҳсулот таннархи суммасига.

Сотилган маҳсулотнинг сотиш баҳосидаги қиймати суммасига.

Сотилган маҳсулотнинг хўжалик ҳисоб - китоб счётига келиб тушган суммасига.

Қуйидаги 3-чизмада сотиш харажатларини счётларда акс эттиришни келтирамиз.

## 9410-«Сотиш харажатлари» счёти

Д-т

К-т

## Корреспондентланувчи счётлар

Счётларнинг кредити		Счётларнинг дебити	
1010-	Юклаб жўнатилган маҳсулотни кадоқлаш ва ўраш учун сарфланган материаллар қиймати;	Ой охирида сотиш харажатларини ҳисобдан чиқариш.	-9910
4200-	Маҳсулотни юклаб жўнатиш бўйича ҳисобдор шахслар томонидан тўланган сумма;		
6010-	Юклаб жўнатилган маҳсулотни ташиш қиймати;		
6710-	Юклаш ва тушириш бўйича ишчиларга ҳисобланган иш ҳақи;		
8910-	Юкловчиларнинг иш ҳақларига ҳисобланган таътил ҳақи захираси;		
6520-	Юкловчиларнинг иш ҳақларидан ижтимоий суғурта органларига ҳисоблаш.		

Ўсимликчиликда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқимини ҳисоби бухгалтерия ҳисоби счётлар режасининг 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счётида очиладиган аналитик счётларда ҳисобга олиб борилади. Бу счётлар балансга нисбатан актив счёт бўлиб дебетда ўсимликчилик тармоғига қилинган харажатлари, кредитда эса ўсимликчилик тармоғидан олинган маҳсулотлар ҳисобга олиб борилади. Ўсимликчилик тармоғидан олинган маҳсулотлар йил давомида режа таннархида ҳисобга олиниб, йил охирида ҳақиқий таннархга тузатилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 8 сентябрда қабул қилинган ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилган 21-сон бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаси «Хўжалик юритувчи субъектлар молия хўжалик фаолиятининг счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га асосан Оқдарё туман фермер хўжаликларида ҳам янги счётлар режаси 2006 йил 1 январдан бошлаб қўлланила бошланган.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар йил давомида режа таннархида баҳолаб кириш қилинади. Йил охирида қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотларни ҳақиқий миқдори аниқлангандан сўнг ҳақиқий таннарх ҳисобланиб, режа таннархи ҳақиқий таннархга тузатилади.

Оқдарё туманидаги «Боғот», «Дилшод» фермер хўжаликлари маълумотлари асосида ғалла ва пахта сотиш бўйича тузилган бухгалтерия проводкаларини кўриб чиқдик.

Оқдарё туманидаги «Боғот» фермер хўжалигида ғаллачиликдан олинган ҳосил ҳаракатини акс эттириш бўйича тузилган бухгалтерия проводкалари ва хўжаликнинг молиявий ҳисоботларида фақат давлатга сотилган 4920 центнер ғалладан 228787 минг сум, меҳнат ҳақи ҳисобидан сотилган 31,1 центнер ғалладан 14415 минг сум даромад олинганлиги акс эттирилиб, бунга қуйидагича бухгалтерия проводкалари тузилган:

1. Давлатга сотилган ғалланинг қийматига

Дебет - 4010 «Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар»

Кредит - 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар» -

228787 минг сум

2.Меҳнат ҳақи ҳисобидан сотилган ғалланинг қийматиға

Дебет -- 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар»

Кредит - 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар» - 14415 минг сум

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, туман деҳқон бозорида сотилган 1012 центнер ғалладан олинган 55650 минг сум ва фермер хўжалиги омборида қолган 178 центнер ғалланинг ҳақиқий таннархи бўйича 9790 минг сум даромад бухгалтерия счётларида ва ҳисоботларида акс эттирилмай қолган. Ушбу хўжалик муомилаларини акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия проводкалари тузилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Деҳқон бозорида сотилган ғалла қийматиға

Дебет - 5010 «Касса»

Кредит 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар» - 55650 минг сум.

2.Омборда қолган ғалла қийматиға

Дебет -2810 «Тайёр маҳсулотлар»

Кредит - 2010 «Асосий ишлаб чиқаришлар» - 9790 минг сум..

Оқдарё туманидаги «Дилшод» фермер хўжалигида 2011 йилда 4401 центнер пахта етиштирилган бўлиб, давлатга сотишдан 195916 минг сум даромад олинган ва ушбу маҳсулотни даромадга олишда қуйидаги бухгалтерия проводкаси тузилган:

1.Дебет 2810 - «Омбордаги тайёр маҳсулот» счёти.

Кредит 2000-«Асосий ишлаб чиқариш» счёти - пахта хом ашёси даромадга олинганда - 195916 минг сум.

Сотилган пахта хом ашёсининг йил охирида калькуляция фаркиға (агар ҳақиқий таннарх режа таннархидан катта бўлса, фарқ суммасиға «қўшимча ёзув» усулида, агар ҳақиқий таннарх режа таннархидан кичик бўлса, фарқ суммасиға «қизил сторно» усулида) қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади.

Дебет 9110 - «Сотилган маҳсулотлар таннархи» счёти.

## Кредит 20 00-«Асосий ишлаб чиқариш» счёти

Таклиф қилганимиздек, бухгалтерия счётларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш операцияларини акс эттирилиши, бир томондан сотиш операцияларини сотиш каналлари бўйича алоҳида ҳисобга олиб боришни таъминласа, иккинчи томондан маҳсулот сотишдан олинadиган даромадларни «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да тўлиқ ҳисобга олинишини, молиявий натижаларни ишончли аниқланишини таъминлайди. Бу бухгалтерия ҳисоботларини ишончилигини таъминлаш билан бирга фермер хўжаликлари иқтисодий самарадорлигини ҳисобот маълумотлари асосида тўлиқ ва ҳар томонлама таҳлил қилиш имкониятини бериб, бошқарув қарорлари самарадорлигини оширади.

### 3.3. Иш ва хизматларни сотиш ҳисоби.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот сотишдан ташқари четга иш ва хизматлар ҳам бажаради. Четга сотилган иш ва хизматларга бошқа хўжаликларда қишлоқ хўжалик ишларини бажариш (ерни шудгорлаш қатор ораларига ишлов бериш ва ҳ.к) маҳсулотларни ташиш бўйича транспорт хизматини кўрсатиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб бериш (донни майдалаш ва ҳ.к) ва бошқа иш ва хизматларни бажариш киради. Бу иш ва хизматларни қишлоқ хўжалик корхоналари шартнома асосида бажарадилар. Шартномада бажариладиган иш тури, ҳажми, бажариш муддати, ҳисоб - китоб шакли ва бошқа шартлар кўрсатилади. Сотиладиган иш ва хизматларни бажариш бўйича барча харажатларни (шартномада айрим шартлар кўрсатилган бўлса) хизмат сотиладиган корхона ўз зиммасига олади. Хизматни сотиб оладиган корхона ушбу хизматини пулини тўлайди.

Иш ва хизматларни сотиш бўйича харажатлар маҳсулот сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар сингари, давр харажатлари таркибида бўлган сотиш харажатлари таркибига киритиб, сотилган иш ва хизмат таннархига киритилмайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида четга сотилган иш ва хизматларни ошириш учун қилинган харажатлар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётининг "саноат ишлаб чиқаришлар" аналитик счётида, 2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счётида, 2320 "Бошқа ишлаб чиқариш" счётида, 9450 "Хизмат-кўрсатувчи хўжаликлар" счётида ҳисобга олиб бориб, сотилган иш ва хизматларни таннархини ташкил этади.

Иш ва хизматларни сотиш бўйича қуйидагича бухгалтерия проводкалари тузилади.

1. Дебет - 9130 "Сотилган иш ва хизматлар таннархи" счёти.

Кредит - 2010, 2320 Четга бажарилган (сотилган) иш ва хизматлар таннархи суммасига- 124352 млн. сум.

2. Дебет - 4110 "Харидор ва буюртмачилардан олинган счётлари" счёти.

Кредит - 9030 "Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олиндиған даромадлар" счёти - Буюртмачиларга сотилган иш ва хизматлар суммасига - 24871 млн. сум.

3. Дебет - 0810 - 0890 счётлари.

Кредит - 9030 "Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олиндиған даромадлар" счёти хўжалик ўз капитал қўйилмаларига бажарилган иш ва хизматлар суммаси - 95210 млн. сум.

4. Дебет - 63 10 " Харидор ва бюртмачилардан олинган бўнаклар" счёти.

Кредит - 9030 "Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинадиған даромадлар" счёти - Бажарилган ишлар ва хизматлар олдиндан олинган - аванс ҳисобига сотилса - 97241 млн. сум.

5. Дебет - 4010 "Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинадиған счётлар"

Кредит - 9030 "Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олиндиған даромадлар" счёти - ўз бўлинмаларига сотилган бажарилган иш ва хизматлар суммасига- 15200 млн. сум.

6. Дебет - 6710 "Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб - китоблар"счёти.

Кредит - 9030 "Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинадиған даромадлар" счёти меҳнат ҳақи ҳисобидан ўз ходимларига кўрсатилган хизмат суммасига - 245120 млн. сум.

7. Дебет 5010 "Миллий валютадаги пул маблағлари" счёти.

Кредит - 9030 "Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олиндиған даромадлар" счёти - сотиладиған ишлар ва хизматлар нақд пулга бажарилганда сотилганда- 102541 млн. сум.

8. Дебет - 9900 "Якуний молиявий натижа" счёти.

Кредит - 9130 "Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи" счёти - йил (ҳисобот даври) охирида счётини ёпишга - 67820 млн. сум.

9. Дебет 9030 "Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар - счёти.

Кредит - 9900 "Якуний молиявий натижа" счёти йил охирида счётини ёпишга- 102541 млн. сум.

Четга бажарилган иш ва хизматлар, сотилган маҳсулот суммаси билан бирга "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботи" (2-шакл)да акс эттирилади ва маҳсулот (иш ва хизмат) лар сотишдан молиявий натижа аниқланади.

Демак, бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш фермер хўжаликлариди маҳсулотларни бир меъёрда ишлаб чиқариш, харидорларга маҳсулот жўнатиш юзасидан шартнома мажбуриятларини таъминлаш, маҳсулотни сотиш бўйича ўзаро ҳисоб - китоб тўловларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлашга ва улар ҳисобини такомиллаштиришга замин яратади.

### **3.4. Асосий воситаларни сотиш ҳисоби.**

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларида асосий воситалар сотилганда ва бошқа ҳолларда ҳисобдан чиқарилганда, фермер хўжалик балансдан чиқарилганда, бухгалтерия ҳисоби счётлар режасида 9210 - "Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими" счётида ҳисобга олиб борилади. Ушбу счётнинг дебитида сотилган ёки ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларнинг эскириши, тугатилишдан олинган материаллар суммаси, сотишдан олинган тушум суммаси акс эттирилади.

Асосий воситалар сотилганда "Шартнома" тузилиб "Асосий воситалар қабул - қилиб таннархини далолатнамаси" расмийлаштирилади ва хўжалик операциялари бухгалтерия счётларида қуйидагича акс эттирилади:

1. Дебет - 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» счёти

Кредит - 0100-0190 «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар» сотилган асосий воситанинг дастлабки қийматига.

2. Дебет - 0210 - 0290 «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар».

Кредит - 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» счёти сотилган асосий воситанинг эскириш суммасига.

3. Дебет - 5110 «Ҳисоб-китоб» счёти

Кредит - 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» счёти асосий воситани тўғридан - тўғри сотилганда, яъни пул ҳисоб-китоб счётига олинганда.

4. Дебет - 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар».

Кредит - 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» счёти харидорларга сотилган асосий воситани сотиш баҳосига.

5. Дебет - 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти.

Кредит - 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» счёти асосий воситани сотиш бўйича олинган аванс суммасига.

Асосий воситанинг ҳар бир тури бўйича сотишни алоҳида очилган аналитик

счётида ҳисобга олиб борилади ва 9210 - счётнинг ҳар бир аналитик счёт дебет ва кредит оборотлари таққосланиб, сотишнинг молиявий натижаси аниқланади. Агар сальдо дебет томонда қолса, асосий воситани сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқишидан кўрилган зарар бўлиб, бунга қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади.

Дебет - 9431 «Асосий воситалар реализацияси ва турли чиқими бўйича зарарлар» счёти.

Кредит - 9210 "Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими" счёти асосий воситаларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарар суммасига. 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» счётда очилган аналитик счётида сальдо кредит томонда бўлса, бу фойда бўлиб, қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади.

Дебет - 9210 "Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими" счёти.

Кредит - 9310 "Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқимдан олинган фойда" счёти - асосий воситаларни сотишни ва бошқа ҳисобдан чиқаришдан олинган фойда суммасига.

Асосий воситалар фойдаланишга яроқсиз бўлганда ёки тўлиқ эскирганда "Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси" расмийлаштирилиб, ҳисобдан чиқарилади. Ушбу хўжалик операциялари бухгалтерия счётларида қуйидагича акс эттиради.

1. Дебет - 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» счёти.

Кредит - 0110-0190 «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар» - асосий воситанинг дастлабки қийматига.

2. Дебет - 0210 - 0290 «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар».

Кредит - 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» счёти - асосий воситани эскириш суммасига.

3. Дебет - 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» счёти.

Кредит 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти

Кредит - 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти

Кредит -- 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти - асосий

воситани тугатиш билан боғлиқ харажатларга.

4. Дебет - 1000 «Материаллар» счёти.

Кредит - 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» счёти – асосий воситани тугатишдан олинган турли материаллар суммасига.

Асосий воситаларнинг бошқа ҳисобдан чиқаришлари бўйича молиявий натижа, худди асосий воситаларни сотишдагидек аниқланади.

Асосий воситаларни инвентаризацияси натижасида кам чиққан ёки табиий офат натижасида ёки бошқа сабаблар билан ҳам ҳисобдан (балансдан) чиқарилади. Ушбу операциялар бухгалтерия счётларида қуйидагича акс эттирилади.

1. Дебет - 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» счёти.

Кредит - 0110 - 0190 «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар» - асосий воситанинг дастлабки қийматига.

2. Дебет - 0210-0290 «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар».

Кредит - 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» счёти - асосий воситаларни сотилиши ва турли чиқимлар суммасига.

3. Дебет - 9433 «Бошқа операцион харажатлар» счёти – моддий бойликларни камомади ва бузилиши бўйича харажатлар.

Кредит - 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» счёти - асосий воситаларни сотилиши ва турли чиқимлар суммасига.

4. Дебет - 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» счёти.

Кредит - 9433 «Бошқа операцион харажатлар» счёти - камомад суммаси айбдорга олиб борилганда.

Асосий воситаларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришда инвентар объектларини ҳар бир тури бўйича алоҳида аналитик счётлар очилиб, аналитик ҳисоб юритилади.

Асосий воситалар лизинг бўйича берилганда, лизинг бўйича олиниши лозим бўлган суммалар, даромад ҳисобланиб қуйидагича проводка берилади.

1. Дебет - 6210 «Муддати узайтирилган даромад» счёти.

Кредит - 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» счёти жорий

йилда (ҳисобот даврида) олинадиган лизинг суммаси.

2. Дебет - 7290 «Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар» счёти.

Кредит - 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» счёти кейинги даврда олинадиган лизинг суммасига.


Агар асосий воситалар узоқ муддатли ижарага берилса, қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет - 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар».

Кредит - 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» счёти. Оқдарё туман фермер хўжаликларида 9210 «Асосий воситаларни сотиш ва турли чиқими» бўйича тузилган проводкалар (4-чизма):

1. Сотилган ёки ҳисобдан чиқарилган асосий восита баланс суммасига.
2. Сотилган ёки ҳисобдан чиқарилган асосий восита эскириш суммасига.
3. Асосий воситани тугатишда ўз ёрдамчи ишлаб чиқариш хизмати суммасига.
4. Асосий воситани тугатишда иштирок этган ишловчиларга ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасига.
5. Асосий воситани тугатишдан олинган турли материаллар суммасига.
6. Харидорларга сотилган асосий восита суммасига.
7. Асосий воситани сотиш ёки бошқа ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарар суммасига.

**9210 - «Асосий воситаларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар»  
счёти корреспонденцияси.**



### 3.5.Бошқа активларни сотиш ҳисоби.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида фермер хўжаликларида маҳсулот (иш ва хизмат)лар, асосий воситалар сотилишидан ташқари бошқа активлар, номоддий активлар, қисқа ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар, ўстиришдаги ва боқувдаги моллар ҳам сотилади. Буларни ҳисобга олишда счётлар режасидаги 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счётида ҳисобга олиб борилади. Бу счётнинг дебитида сотилган активлар, кредитида эса уларни сотишдан тушган тушум акс эттирилади. Шунингдек фойдаланишда бўлган номоддий активлар эскириши ҳам кредитда акс эттирилади.

Бошқа активларни сотишда «Счёт - фактура», «Ҳисобдан чиқариш далолатномаси», «Накладной» каби ҳужжатлар расмийлаштирилади. Ушбу хўжалик операциялар бухгалтерия счётларида қуйидагича акс эттирилади:

1. Дебет - 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счёти.  
Кредит - 0410 - 0490 «Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар» - сотилган номоддий активлар дастлабки қийматига.

2. Дебет – 0510 - 0590 «Номоддий активларни эскиришини ҳисобга олувчи счётлар».

Кредит - 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счёти - сотилган моддий активлар эскириш суммасига.

3. Дебет - 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счёти.  
Кредит 1010-1090 «Материаллар» счёти - сотилган материаллар баланс қийматига.

4. Дебет - 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счёти.  
Кредит - 1110 «Ўстиришдаги ҳайвонлар» счёти - сотилган ўстиришдаги боқувдаги моллар баланс қийматига.

5. Дебет - 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счёти.  
Кредит - 0610 «Қисқа муддатли инвестициялар» счёти – қимматли қоғозлар шаклидаги узоқ муддатли молиявий қўйилмалар сотилганда.

6. Дебет - 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счёти.  
Кредит - 5810 «Узоқ муддатли инвестициялар» счёти - облигация ёки бошқа қимматли қоғоз сотилганда.
7. Дебет - 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счёти.  
Кредит - 5210-5220 «Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар» - чет эл валютасини сотиш қўлидаги курси бўйича сотилган суммасига.
8. Дебет - 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счёти.  
Кредит - 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз» счёти - бошқа активлар сотиш билан боғлиқ ва тўловлар суммасига (шу жумладан ҚҚС)
9. Дебет - 5110 «Ҳисоб-китоб» счёти.  
Кредит - 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счёти - бошқа активлар сотиш ҳисоб-китоб счётига тушган тушум суммасига, шу жумладан. валюта ҳам сотилганда.
10. Дебет - 5810 «Узоқ муддатли инвестициялар», 0610 «Қисқа муддатли инвестициялар» счётлари.  
Кредит - 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счёти - сотиб олинган активлар мулк ҳисобига тўланганда, бир вақтнинг ўзида Дебет - 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счёти Кредит - 1010-1090 «Материаллар» счёти.
11. Дебет - 4310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти  
Кредит - 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счёти олинган аванс ҳисобига бошқа активлар сотилганда.
12. Дебет - 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»  
Кредит - 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счёти харидорларга сотилган бошқа активларни баҳосидаги қийматига.
13. Дебет - 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счёти.  
Кредит - 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти бошқа

активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришдан олинган фойда суммасига.

14. Дебет - 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти.

Кредит - 9220 «Бошқа активларни сотилиши ва турли чиқими» счёти - бошқа активларни сотиш ва бошқа ҳисобдан чиқаришда кўрилган зарар суммасига.

Бошқа активларни сотиш ва ҳисобдан чиқариш бўйича, уларни ҳар бир тури ва ҳисобдан чиқиш вақти бўйича алоҳида аналитик счётлар очилиб, ҳисоб - китоб ишлари олиб борилади. Бу эса бошқа активларни сотиш ҳисоб - китоб тўловларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлашга ва улар ҳисобини такомиллаштиришга олиб келади.

## **4-БОБ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида сотиш операциялари ҳисобини такомиллаштириш йўллари.**

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер хўжаликларида сотиш операциялари - бу хўжалик жараёнининг охири босқичига тегишли бўлиб, қишлоқ хўжалик корхоналарида нисбатан қисқароқ даврда давом этади, яъни, сотиш операциялари йил давомида бўлиб, айрим сотиш операциялари мавсумий бўлади. Масалан, фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган пахта хом ашёсини сотиш асосан сентябр - октябр ойларига тўғри келади.

Тайёр маҳсулотларни сотиш эса, сотиш операцияларининг бошланиши ҳисобланади. Шунинг учун сотиш операцияларини ҳисобини тўғри ташкил этиш муҳим - аҳамиятга эга. Шунинг учун тайёр маҳсулот тушунчасига дастлаб аниқлик киритиб олиш лозим. Масалан, саноат корхонасида ишлаб чиқарилган буюм, идиш ёки бошқа маҳсулот ҳисобланиб, тўлиқ реализация қилинса, яъни ушбу олинган маҳсулот ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида фойдаланилмайди. Агар корхона ёғоч қайта ишловчи, эҳтиёт қисм ишлаб чиқарувчи бўлса, бу маҳсулотлар шу корхона учун тайёр маҳсулот бўлиб, сотиб олувчи учун хом ашё ҳисобланади.

Сотиш жараёнида фермер хўжаликларда турли хил бухгалтерия ҳужжатлари қўлланилади. Оқдарё тумани «Боғот» фермер хўжалигида юқоридаги стандарт ҳужжатларни ҳаммаси ҳам фойдаланишда эмас, уларнинг ўрнига ихтиёрий ҳолда тузилган ҳужжатлардан фойдаланилган. Жумладан, хўжаликда фермер хўжалиги раиси И.Худойқулов, бош ҳисобчи А.Худойқулов, аъзолари М.Бозоров, У.Турдиевлар томонидан сана кўрсатилмасдан тузилган далолатномага асосан 50 тонна маҳаллий ўғит, 240 минг сумлик моддий қийматликлар ихтиёрий ҳолда тузилиб, ҳисобдан чиқарилган. Бу ҳолат яна иккита операцияда қайтарилган. Одатда, ихтиёрий ҳолда тузилган ҳужжатларда уларга тегишли бўлган реквизитларда кўрсаткичлар тўлиғича тўлдирилмайди. Шунинг учун ушбу операцияларни уларга мўлжалланган ҳужжатларни

стандарт шаклларидан фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Айнан шундагина акс эттириладиган хўжалик операциялари ҳужжатларда ҳар жихатдан тўлиқ акс эттирилишига эришилади.

Оқдарё туман фермер хўжаликларида сотиш операцияларини дастлабки бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишда бухгалтерия ҳужжатларини туркумлаш, бир-бирини такрорлашларга йўл қўймаслик, реквизитларнинг ахборотлар тўлалигини сақлаган ҳолда бўлиши, унификациялаштириш ва стандартлаштириш, қоғозни тежаш ва электрон шаклга ўтиш тавсия этилди. Бу эса дастлабки ҳисобни такомиллаштириш билан бирга, ҳисоб маълумотларини тўлалиги ва тезкорлигини ошириб, қоғозларни тежаш, электрон ахборот алмашинувини яхшилашга олиб келиб, бошқарувчиларни ўз вақтида тўлиқ ахборотлар билан таъминлаш имконини беради.

Фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш харажатлари таннархга киритилмайди. "Харажатлар таркиби тўғрисида"ги Низомга асосан маҳсулот сотиш билан боғлиқ харажатлар давр харажатларига киритилади. Ушбу харажатлар фермер хўжалигининг асосий фаолияти даромадлари ҳисобидан қопланади, натижада сотиш харажатлари фермер хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига кирмай қолади. Бу маҳсулот сотишда, уларнинг ҳар бир тури бўйича ҳақиқий молиявий натижани аниқлаш имконини беради. Шунинг учун сотиш харажатларини маҳсулот таннархига киритиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳар бир ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бўйича самарадорликни аниқлаш, уларни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини бошқариш имконини беради.

Тайёр маҳсулот фермер хўжалигининг ўзида ишлаб чиқарилиши ёки четдан сотиб олиши мумкин. Фермер хўжаликларида тайёр маҳсулотлар қайси тармоқда олинганлигига қараб қуйидагича бўлинади:

- Ўсимликчилик тайёр маҳсулотлари;
- Чорвачилик тайёр маҳсулотлари;
- Саноат ва бошқа ишлаб чиқаришлар тайёр маҳсулотлари.

Ўсимликчиликда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг ўзи ўсимликчиликнинг турларига қараб пахта, ғалла, полиз маҳсулотлари каби турларга бўлинади. Чорвачилик маҳсулотлари ҳам ўз навбатида сут, тери, гушт, асал каби турларга бўлинади. Шунинг учун тайёр маҳсулотлар ҳисобини юритишда бухгалтерия счётлар режасидаги актив счёт бўлган 2800 - «Тайёр маҳсулотлар ҳисоби» счёти таркибида тайёр маҳсулотларнинг турларига қараб аналитик счётлар очилиб алоҳида - алоҳида ҳисобга олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Фермер хўжаликлар бухгалтериясида тайёр маҳсулотлар ҳисоби учун алоҳида қайд дафтари очилиб, юқоридаги ҳисоб ишлари қайд дафтарида кўрсатилиши лозим. Бу эса ҳисобга олишни янада аниқлаштириб, ҳар бир харажат турини назорат қилишда бошқаришни янада яхшилайдди.

Мамлакатни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларида сотиш операциялари ҳисобини такомиллаштириш учун компьютер дастурлари, яъни «1 С бухгалтерия», «БЭМ» дастурларидан фойдаланиб ҳисоб – китоб қилинса, меҳнат унумдорлиги ва иш сифати ошишига олиб келади.

Пахтачилик тармоғида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқиши ҳисобини ҳисоб регистрларида юритишни янада такомиллаштириш мақсадида, чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқиши ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 26 мартда 1781-сон билан рўйхатга олинган Молия Вазирлиги ва Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 112-сон қарори билан тасдиқланган "Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида Низом" да таклиф этилган ҳисоб регистрида юритиш таклиф этилди.

Оқдарё туманидаги «Боғот» фермер хўжалигида ғаллачиликдан олинган ҳосил ҳаракатини акс эттириш бўйича тузилган бухгалтерия проводкалари ва хўжаликнинг молиявий ҳисоботларида фақат давлатга ва меҳнат ҳақи ҳисобидан сотилган ғалладан олинган даромад акс эттирилиб, туман деҳқон бозорида сотилган 1012 центнер ғалладан олинган 55650 минг сум ва фермер хўжалиги омборида қолган 178 центнер ғалланинг ҳақиқий таннархи бўйича 9790 минг сум даромад бухгалтерия счётларида ва ҳисоботларида акс

эттирилмай қолган. Ушбу хўжалик муомилаларини акс эттириш учун кўйидагича бухгалтерия проводкалари тузилиши мақсадга мувофиқдир:

2. Дехқон бозорида сотилган ғалла қийматига:

Дебет -5010 «Касса»

Кредит - 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар»-55650 минг сум.

2.Омборда қолган ғалла қийматига:

Дебет - 2810 «Тайёр маҳсулотлар»

Кредит - 2010 «Асосий ишлаб чиқаришлар» - 9790 минг сум

Демак, бухгалтерия счётларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш операцияларини акс эттирилиши, бир томондан сотиш операцияларини сотиш каналлари бўйича алоҳида ҳисобга олиб боришни таъминласа, иккинчи томондан маҳсулот сотишдан олинадиган даромадларни «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да тўлиқ ҳисобга олиншини, молиявий натижаларни ишончли аниқланишини, «Бухгалтерия баланси»да айланма маблағлар таркибида тайёр маҳсулотларни тўлиқ акс эттирилишини таъминлайди. Бу бухгалтерия ҳисоботларини ишончилигини таъминлаш билан бирга фермер хўжаликлари иқтисодий самарадорлигини ҳисобот маълумотлари асосида тўла ва ҳар томонлама таҳлил қилиш имкониятини бериб, бошқарув қарорлари самарадорлигини оширади.

## **5-БОБ. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.**

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишчиларни хавфли ва зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган дастлабки материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва чиқинди ишлаб чиқарилиши билан бевосита алоқасини юқотиш, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари мавжуд жойларни комплекс автоматлаштириш ҳамда механизациялаш, технологик жараёнларда назорат ва бошқариш тизимини ўрнатиш даркор. Бу ишловчиларнинг ҳимоясини ва ишлаб чиқариш жараёнларининг авария ҳолатда ўчирилишини таъминлайди.

Технологик жараёнларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари технологик хужжатларда кўрсатилган бўлиши шарт. Иш жойидан ташқарида бажараётганда хоналарни ва майдонларни танлашга катта эътибор қаратмоқ керак. Шунингдек, узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнларининг хавфсизлигини, ускуналарни тўғри жойлаштириш ва иш жойларини оқилона ташкил қилиш билангина таъминлаш мумкин. Материалларни, тайёр маҳсулотни ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақлаганда, хавфли ишлаб чиқариш омилларининг содир бўлишидан ҳимояланиш керак.

Ишлаб чиқаришда ишлашга рухсат этилган шахсларнинг физик имкониятларини ва меҳнат хусусиятларини ҳисобга олиш шарт. Хизмат килувчи ходимлар бажараётган ишларига мувофиқ меҳнат хавфсизлиги бўйича касбий тайёргарликдан ўтган бўлиши лозим.

Барча машина ва механизмларга хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича ягона талаблар қўйилади. Ана шу талабларга мувофиқ машина ва механизмларни бошқаришнинг асосий ричаглари ўнг қўл остига жойлашган бўлиши, ҳар қайси машинада товуш сигнали, орқани кўриш ойнаси, бурилиш ва тўхташ сигналлари бўлиши керак.

Иш жараёнида машина ва механизмлардаги маҳкамланган жойлар бўшашади, зазор (тирқиш)лар катталашади, мой, сув ёки ёнилғи сиза бошлайди

ва ҳоказо. Шу боисдан пала-партиш кўрсатилган техник хизмат авария ва бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, трактор юриш қисмининг маҳкамланган жойларини ўз вақтида текшириб ва таранглаб турилмаса, у ағдарилиб кетиши мумкин. Агар машина ишлаётган вақтда инсон ҳаёти ёки саломатлигига хавф соладиган нуқсон пайқалса, ишни дарҳол тўхтатиш керак. Ҳар бир тракторчи, комбайнчи, ҳайдовчи машинани ишлатишдан олдин унинг техник ҳолатини текшириб кўриши керак.

Машинадаги ҳар бир ҳаракатланувчи детал хавфлидир, айланаётган вал, юлдузча, тишли ғилдирак қўлни, турмакланмаган сочни ёки кийимни ичкарига олиб кетиши мумкин. Шу боисдан машина ва механизмларнинг ҳаракатланувчи қисмлари қалпоқ, ғилоф, тўсиқлар билан беркитилади. Аммо ҳаракатдаги барча қисмларни ҳам химоя қурилмалари билан беркитиб бўлмайди. Шу сабабдан хавfli зонада ҳам ишлашга тўғри келади. Хавfli доира ҳамма машина ва механизмларда бор. Улар машиналарнинг ташқи қисмида (комбайннинг парраги, қирқувчи аппарати ва ҳ.к.) ва ички қисмида (янчиш барабани, тозалаш вентилятор, конвейерлар) бўлиши мумкин. Ҳаракатга келтирувчи двигателнинг айланаётган маховиги атрофидаги доира хавfli ҳисобланади. Шу сабабдан агар двигателни юргизиб юборишнинг иложи бўлса, маховикни қўл билан айлантириш ман этилади. Юриб кетаётган машинанинг ўзи ҳам хавfli доира ҳисобланади. Шунинг учун двигател ишлаётганда ёки машина юриб кетаётганида уни мойлаш, ростлаш ва нуқсонларини бартараф қилиш ман этилади. Механизациялаштирилган агрегатларга хизмат кўрсатаётганлар иш вақтида хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиши ишлаб турган машина яқинида ечиниб-кийинмаслиги, ўзига молик бўлмаган жойларда ишламаслиги, кийимининг этаклари (барлари) шалвираб осилиб турмаслиги керак.

Трактор, комбайн ва автомобилда ҳайдовчи асбобларининг тўла жамланмаси, биринчи ёрдам кўрсатиш учун аптечка, ичимлик сув солинган идиш, завод томонидан бериладиган қўлланма бўлиши шарт.

Меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг техник воситалари. Ҳар қандай хўжаликка, корхоналарга етказиб бериладиган ҳар қандай қишлоқ хўжалиги

машинаси, агрегати, механизми ва ускуналари бахтсиз ходисаларнинг олдини оладиган замонавий ҳимоя воситалари билан жиҳозланади. Меҳнат хавфсизлиги тўсиқ, тормоз, блокировка, сақлаш қўрилмалари, сигнализация, шахсий ҳимояланиш воситаларини ишлатиш, шунингдек уларнинг яхши ишлашини назорат қилиш билан таъминланади.

Тўсиқ қўрилмалар. Хавфли зоналарни ҳимоялаш учун оддий, ишончли ва арзон тўсиқ қўрилмалар кенг кўламда ишлатилмоқда. Тўсиқ қўрилмалар инсонни хавфдан ҳимоялаш учун хизмат қилади. Улар қандай мақсадга мўлжалланганига қараб ҳар хил тўзилмалари бўлади. Шунга кўра тўсиқлар доимий ёки вақтинчалик бўлиши мумкин.

Масалан, трактор орқа кўпригининг тасмали узатмалар қутисининг корпуслари доимий тусувчи қўрилмалардир. Доимий тўсиқларнинг авфзаллиги шундаки, агрегат ишлаётганда ишчи хавфли зонага кира олмайди. Доимий тўсиқлар силжувчан ва кўзгалмас бўлади. Силжувчан тўсиқларни тўсиқларнинг олиб қўйиш ёки чеккага суриб қўйиш мумкин. Вақтинчалик тўсиқлар корхона, цех, участка территориясидаги ишларни бажариш вақтида ишлатилади. Уларга мисол сифатида муҳофаза экранлари, металл шчитлар, парда ва бошқаларни келтириш мумкин. Цехда пайвандлаш ишларини бажаришда атрофдагиларни электр ёйнинг равшан шуъласи таъсиридан муҳофаза қилишда, қўрилиш майдончалари, тран-шеяларни тўсишда, бошқа ер ишларини бажаришда вақтинчалик тўсиқлар ишлатилади.

Ҳимоя тўсиқлари панжара, турлардан иборат. Агар механизм ишини кўз билан кузатиб туриш зарур бўлса, бундай ҳолларда тўсиқ шаффоф материал (органик шиша, селлулоид ва бошқа)дан тайёрланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат шароитларининг яхшиланиши ижтимоий натижаларга, яъни меҳнаткашларнинг соғлигини яхшилаш, ўз ишидан мамнунлик даражасини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга олиб келади.

## Хулоса ва таклифлар.

Самарқанд вилояти Оқдарё тумани фермер хўжаликлари маълумотлари асосида сотиш операциялари ҳисобини ҳозирги ҳолатини ўрганиб, улар ҳисобини такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулосаларга келиб, таклифлар бердик:

1. Оқдарё туманида 2011 йилда жами 469 фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 34 тага камдир. Бу Президентимизнинг 2010 йил 18 октябрдаги Ф-3512-сон фармойишига мувофиқ фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш натижасида бўлган. Уларга жами 22430 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, 2010 йилда ўртача бир фермер хўжалигига 47,8 гектар ер майдони тўғри келган. Шундан пахтачилик-ғаллачилик йўналишида 209 та, бу жами фермерларнинг 44,6 фоизи, сабзавотчилик-полизчилик йўналишидаги фермер хўжаликлар сони 9 та, бу жами фермер хўжаликларнинг 1,9 фоизи, боғдорчилик-узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликлар 169 та, бу жами фермер хўжаликларнинг 36 фоизи, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлар 61 та, бу жами фермер хўжаликларнинг 13 фоизи ва бошқа йўналишдаги фермер хўжаликлар 21 та, бу жами фермер хўжаликларнинг 4,5 фоизини ташкил этади. Туман фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонининг 85,4 фоизи бевосита пахтачилик-ғаллачилик йўналишидага фермер хўжаликларида бўлиб, бундан кўришиб турибдики туман пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган туманлардан биридир.

2. Туманда 2011 йилда 2010 йилга нисбатан фермер хўжаликларида ғалла етиштиришда 350 тонна, картошкадан 222 тонна, полиз экинларидан 76 тонна, узум етиштиришдан 660 тонна кам ҳосил олинган, бу камайиш аввало бир гектардан олинган ҳосилнинг камайиши ва экин майдонларининг қисқариши ҳисобига бўлган. Лекин 2011 йилда 2010 йилга нисбатан пахтадан 80 тонна, сабзавот экинларидан 2927 тонна, мева етиштиришдан эса 6422 кўп ҳосил олинган. Бу ушбу экин турларида ҳосилдорликнинг ошиши ҳисобига бўлган.

3. Туман фермер хўжаликларида 2011 йилда 17897 киши меҳнат қилган ва

фермер хўжаликларининг оптималлаштирилиши улар сонининг 1417 киши ёки 7,3фоизга камайишига сабаб бўлган. Бу туман фермер хўжаликларида меҳнатнинг интенсивлашиши ортиб бораётганлигини билдиради. Туман фермер хўжаликларида доимий ишловчилар 14913 киши бўлиб, ёлланма ишчилар 2984 киши бўлган ва ўрганилган даврда бу кўрсаткичлар мос равишда 7,7фоиз ва 5,75га камайган. Оқдарё тумани аҳолиси таркибида фермер хўжаликлари аъзоларининг улуши 2010 йилда 14,5фоизни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 2,1 пунктга камайган. Ходимлар таркибида бошқарув ходимлари сони 577 кишини ташкил этиб, жами ходимларга нисбатан 3,2фоизни ташкил этади.

4.Оқдарё тумани фермер хўжаликлари 2011 йилда 11244,2 млн. сумлик асосий фондларга эга бўлиб, 2010 йилга нисбатан 1427,7 млн. сумга ёки 14.5фоизга ошган. Фермер хўжаликларидаги бу ўсишга машина ва ускуналардаги 41,8фоиз ёки 1097,5 млн. сум ҳамда транспорт воситаларидаги 43,1фоиз ёки 393,9 млн. сумлик ўсиш таъсир этган. Бундан кўриниб турибдики, туман фермер хўжаликларида асосий фондлар қиймати йилдан-йилга ошиб бормоқда.

5.Оқдарё туман фермер хўжаликларида кейинги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан олинган даромад ҳажми ошиб борган. Жумладан, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан ўсимликчилик маҳсулотларини етиштиришдан 10365 млн. сум ёки 34,6 фоиз кўп даромад олинган бўлса, худди шунингдек чорвачилик тармоғидан ҳам 2219 млн. сум ёки 97,7 фоиз кўп даромад олишга эришилган. Бу туман бўйича олиб қаралганда, 12584 млн. сум ёки 39,1 фоиз кўп даромад олинганлигини кўрсатади.

Ушбу хулосалардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги таклифларни бердик:

1. Фермер хўжаликлари бухгалтерия ҳисобини амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида юритишини таъминлаш мақсадида ҳар бир фермер хўжалигида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва шу асосда ҳисоб юритилишини таъминлаш.
2. Оқдарё туман фермер хўжаликларида сотиш операцияларини дастлабки бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишда бухгалтерия ҳужжатларини туркумлаш, бир-бирини такрорлашларга йўл қўймаслик, реквизитларнинг

ахборотлар тўлалигини сақлаган ҳолда бўлиши, унификациялаштириш ва стандартлаштириш қоғозни тежаш ва электрон шаклга ўтиш тавсия этилди. Бу эса дастлабки ҳисобни такомиллаштириш билан бирга, ҳисоб маълумотларини тўлалиги ва тезкорлигини ошириб, қоғозларни тежаш, электрон ахборот алмашинувини яхшилашга олиб келиб, бошқарувчиларни ўз вақтида тўлиқ ахборотлар билан таъминлаш имконини беради.

3.Тайёр маҳсулотлар, товарлар ҳамда иш ва хизматларни сотишда олинган даромадлар ва сотилган маҳсулотлар таннархи 9000 ва 9100 счётларда акс эттирилади. Ушбу счётлар 9910 счёт орқали таққосланиб, молиявий натижа аниқланади. Бунда ҳар бир товар, маҳсулот, иш ва хизмат тури бўйича молиявий натижаси аниқлаш имконияти чекланган. Шунинг учун 9000 - счётни «Маҳсулот товар, иш ва хизматлар сотилишини ҳисобга олувчи счётлар» деб номлаб, ушбу счёт таркибида қуйидагича счётлар очишни таклиф қиламиз:

- 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотилиши»,
- 9020 «Товарни сотилиши»,
- 9030 «Иш ва хизматларни сотилиши».

4.Оқдарё туманидаги «Боғот» фермер хўжалигида туман деҳқон бозорида сотилган 1012 центнер ғалладан олинган 55650 минг сум ва фермер хўжалиги омборида қолган 178 центнер ғалланинг ҳақиқий таннархи бўйича 9790 минг сум даромад бухгалтерия счётларида ва ҳисоботларида акс эттирилмай қолган. Ушбу хўжалик муомилаларини акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия проводкалари тузилиши мақсадга мувофиқдир:

1.Деҳқон бозорида сотилган ғалла қийматига: Дебет - 5010 «Касса»

Кредит - 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар»-55650 минг сум.

2.Омборда қолган ғалла қийматига Дебет - 2810 «Тайёр маҳсулотлар» Кредит - 2010 «Асосий ишлаб чиқаришлар» - 9790 минг сум.

Умуман олганда, таклифларимизни туман фермер хўжаликларида қўлланилиши сотиш операциялари ҳисобини янада такомиллашишига олиб келади деб ҳисоблаймиз.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

### **1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, меъёрий ҳужжатлар.**

- 1.1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т. “ Ўзбекистон” 2008.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида. 30 август 1996.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Фермер хўжалиги тўғрисида (янги таҳрирда). 26 август 2004.
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушадиган маблағларнинг бир қисмини жамлаш ва улардан фермер хўжаликларининг фойдаланиши тартиби тўғрисида. 04.02.2011. № 30.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини ҳисобга олиш ва молиявий натижаларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида.- Т:15.10.2003.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Маҳсулот (ишлар хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. 05.02.1999. №54 (17.02.2010, №22. ВМ қарори таҳрири).
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чоратадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январ, ПК-1041 -сон.
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирлигининг буйруғи. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида.

08.02.2011. №7

1.9. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида Низом. 21.01.2008.

## **2. Президент асарлари.**

2.1.Каримов И.А. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т. “Ўзбекистон” 2010.

2.2.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т. “Ўзбекистон” 2009.

2.3.Каримов И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. -Т. “Ўзбекистон” 2009.

2.4.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Халқ сўзи. 13.11.2010. №220 (5135).

2.5.Президент Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг 2011 йилга мўлжалланган устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Барча 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //Зарафшон 21.01.2012 (5183).

2.6.Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш - тараққиётимизнинг муҳим омилидир. //Халқ сўзи. 08.12.2011. -№ 236 (5151).

## **3. Дарслик ва ўқув қўлланмалар.**

3.1. Абдуллаев Р. Бухгалтерский учёт и аудит. - Т. “Иқтисод молия” 2010. –Б. 112-124.

3.2. Исмаилов А. Д., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. -Т. “Шарқ” 2005. –Б. 289-301.

3.3. Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. - Т. 2008. –Б. 195-218.

3.4. Қудратов Т. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили. – Самарқанд, 2008. –Б. 54-67.

#### **4. Журналлар ва илмий тўпламлардаги мақолалар.**

4.1. Алиқулов А., Эшмурадов У. Қишлоқ хўжалик корхоналарида сотиш жараёнлари ҳисобини такомиллаштириш. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари: республика илмий-амалий анжумани тўплами. 26.12.2009. –Б. 298-300.

4.2. Алиқулов А., Эшмурадов У. Фермер хўжаликларида ғалла сотиш операциялари ҳисобини такомиллаштириш //Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида соҳаларни ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари илмий-амалий анжуман тўплами. Самарқанд Олий Ҳарбий Автомобил Қўмондонлик-муҳандислик билим юрти. 24.04.2009. –Б. 79-81.

4.3. Аралов Х. Дехқон хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 2010. -№ 2. -Б. 27-28.

4.4. Долиев Т. Модернизация қишлоқ хўжалиги тараккиётида муҳим омилдир. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 2011. -№ 4.-Б. 1-6.

4.5. Дўсмуратов Р.Д., Мамадияров Д.У. Бошқарув ҳисоби. - Т. 2008. –Б.12.

4.6. Ибрагимова Д. Реализация продукции дехканских и фермерских хозяйств. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 2011. -№ 4. -Б. 34.

4.7. Султанов Б., Саъдуллаев У. Ерлардан самарали фойдаланиш. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 2010. -№ 8.-Б. 25.

4.8. Тошпўлатов А. Маҳсулот таннархи ва ҳисоблашни такомиллаштириш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 2010. -№ 8. -Б. 20-21.

4.9. Холмирзаев И. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 2010. -№ 2. –Б. 26.

4.10. Эшмурадов У. Мамлакатни модернизациялашда фермер хўжаликларида сотиш жараёнлари ҳисобини такомиллаштириш // Қишлоқ хўжалигини

ривожлантиришдаги устувор йўналишлар ва уларнинг ечимлари. Профессор-ўқитувчиларнинг 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»га бағишланган илмий-амалий конференцияси тўплами. 26-27 апрель. -Б. 52-54.

4.11 .Эшмурадов У. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ғалла сотиш операциялари ҳисобини такомиллаштириш. //Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш истиқболлари илмий-амалий конференция тўплами. 2009 йил 24 апрел. –Б. 48-50.

4.12.Эшмурадов У. Фермер хўжаликларида ҳисоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштириш. //Аграр соҳанинг ривожланишида ёшларнинг ўрни иқтидорли талабаларнинг илмий конференцияси материаллари тўплами. 2-қисм. СамҚХИ, 2008 йил 9-10 апрел. –Б. 15-16.

### **5.Статистика ва ҳисобот маълумотлари.**

5.1.Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси 2009-2010-2011 йиллар ҳисобот маълумотлари.

5.2.Самарқанд вилоят Оқдарё тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими 2009-2010-2011 йиллар ҳисобот маълумотлари.

5.3.Самарқанд вилоят Оқдарё туман «Боғот» фермер хўжалиги 2009-2010-2011 йиллар ҳисобот маълумотлари.

### **Интернет сайтлари.**

1.[www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)-Зиёнет таълим портали.

2.[www.samqxi.uz](http://www.samqxi.uz)-Самарқанд Қишлоқ Хўжалиги институти сайти.

3.[www.lex.uz](http://www.lex.uz)-Қонун ҳужжатлари сайти.

4.[www.uz.biz.uz](http://www.uz.biz.uz)-Бизнес информатсион ресурслар сайти.

5.[www.uza.uz](http://www.uza.uz)-Ўзбекистон Ахборот агентлиги сайти.

6.[www.agro.uz](http://www.agro.uz)-Қишлоқ ва Сув хўжалиги сайти.

7.[www.edu.uz](http://www.edu.uz)-Олий таълим сайти.

8. [www.buhgalteria.com.ua](http://www.buhgalteria.com.ua)